

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги

Гулистон давлат университети

Ижтимоий-иқтисодий факультет

Тарих кафедраси

5220200-Тарих таълим йўналиши 18-11 гуруҳ битирувчи талабаси

Шодиев Ғиёс

**ЖАДИДЧИЛИКНИНГ ТУРКИСТОНДАГИ ДЕМОКРАТИК ВА
МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛЧИЛИК ХАРАКТЛАРИГА ЎТКАЗГАН
ТАЪСИРИ**

мавзусидаги

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

Рахбар: т.ф.н., Эрбўтаева Ў

Гулистон – 2015

РЕЖА:

Кириш

I БОБ. Жаидчилиқ ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий моҳияти

1.1. Жаидчилиқ ҳаракатининг вужудга келиши ва жаидлар тафаккури.

1.2. XIX аср охири XX аср бошларида Бухородаги жаидчилиқ ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий моҳияти.

II БОБ. Туркистонда халқ ҳаракатлари ва жаид маърифатчиларининг ғоявий раҳнаmolари.

2.1. Жаидларнинг 1916 йилги халқ кўзғолонига муносабати.

2.2. Жаидларнинг мустамлака совет тузуми давридаги фаолияти ва тақдири.

Хулоса.

Таклиф ва тавсиялар.

КИРИШ

Битирув малакавий ишининг долзарблиги шундаки: Республкамиз Президенти И. А. Каримов ўз маъруза, мақола, суҳбатларида – фидойи жаидларимиз ҳаёти биз учун ўрнатқ, ёшларни истиқлол, ватанпарварлик, миллатпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга, уларнинг босиб ўтган кураш йўлини ўрганиш зарур, деб таъкидлаганлари барчамизга маълум. Мазкур тадқиқот ишимда ушбу давлатга имкон қадар жавоб тариқасида ўрганишга ҳаракат қилдим Жаидчилик ҳаркати ўтган асрнинг 80-йилларида маърифатпарварлик ғояси сифатида пайдо бўлиб 90-йилларда “савтия” товуш усулига асосланган янги мактабларни очишдан бошланди. У тез орада байналминал ҳаракатга айланди.

Етук олим профессор Беғали Қосимовнинг кўрсатишича, жаидчилик тасодифий ҳодиса эмас, муайян шароит маҳсули, эҳтиёж фарзанди. У бундан юз йил олдин мамлакатимизда жаидчиликни “ҳаётий эҳтиёжга айлантирган омиллар нималардан иборат бўлди? Ўша пайтда бир томондан рус мустамлакачилари ўз ҳукмронлигини абадийлаштириш умидида маҳаллий миллатни қарам тобелик мафкурасида тарбиялашдан ҳамда руслаштириш, ислом динини бузиш, мамлакатни хомашё маконига айлантириш сиёсатини кучайтирди. Иккинчи томондан, маҳаллий феодад муносабат кучли бўлиб, миллат эса, ижтимоий ғафлат уйқусида эди. Рус босқинчилари бу ҳолатни ушлаб туришдан манфаатдор бўлиб, аниқ режаларни амалга оширди. Шунга қарамай, малакатда ижтимоий-маданий тараққиёт, миллий уйғонишга интилиш жонланди. Бу жараёнларни тарихий таҳлил қилиш ва уни ўрганиш битирув малакавий ишимнинг долзарб томонидир.

Битирув малакавий ишни ёзишдан мақсад ва вазифа шу бўлдики: Жаидчилик маориф ва маърифатпарварликдан бошланса-да, ўз мақсад ва

мохиятига кўра пайдо бўлишданок табиатан антиколаниал, антистибдод, антифеодал, миллий-озодлик, ижтимоий-сиёсий ва демократик ҳаракатлар ҳамда мазмунга эга бўлди. Салкам ярим асрлик тарихга эга бўлган жади́дчилик бу давр ичида мамлакатдаги маданий, ижтимоий ва инқилобий ҳаракатнинг асосий ҳаракатланувчи кучи сифатида фаолият кўрсатади. Тарихимизда ташкилий уюшган ҳайрия жамияти (“Кўмак”, “Дорил Ожизин”), бадий-ижодий ва нашрчилик уюшмалари (“Турон” кутубхонаси “Турон”, “Нашр ва маориф”, “Чиғатой”) ижтимоий-сиёсий ташкилотлар (Иттиҳоди тараққий”, “Шўрои исломия, “Бирлик”, “Иттиҳоди миллий”, “Ботир гапчилар”, “Миллий истиқлол”, “Туркистон миллий бирлиги”), сиёсий партиялар (“Ёш хиваликлар”, “Эрк”, “Турк адами марказияти”, “Алаш ўрда”, “Бухоро халқ республикаси”, “Хоразм халқ республикаси”) ва бошқалар ҳам бевосита жади́дчилик билан боғлиқ бўлди. Бу жараёнларни ўрганиш уни таҳлил қилиш ва тарихий тадқиқотлар, битирув малакавий ишимдаги мақсад ва вазифам бўлди.

Битирув малакавий ишидаги янгилик ва эришилган натижа шўки;

тарихий таҳлиллар шуни кўрсатадики, жади́дчилик кўп қирралик миллий ҳаракат ундаги миллийликни тор доирадаги соф ўзбек миллатигагина хос деб тушунмаслик керак. Тарихимизда жади́дчиликдек “миллат, миллийлик” атамаларини кўп ишлатган, истеъмолга олиб кирган, миллий онг ва мафкура тарғиботи билан машғул бўлган бошқа бирорта мунтазам ҳаракат топилмаса ҳам, жади́дчиликдаги миллийлик қадим-қадимдан уруғ-аймоқ ва қавмлик илдизлари туташ бўлган турли халқлар бирлиги тушунчасидан иборат бўлди.

Жади́дчиликдаги миллий масаланинг бош мақсад ва вазифаси Ватанни ташқи босқиндан озод қилиб истиқлолга олиб чиқиш миллатни илмли ва маърифатли бой-бадавлат қилиб, жаҳондаги тараққий этган халқлар даражасига кўтаришдан иборат эди. Мунаввар Қори Абдурашидхоновнинг кўрсатишича, жади́дчиликнинг асосий шиори

“Озодлик, Тенглик, Адолат” бўлган. Шу билан бирга жадинларнинг фақат тинч ва демократик кураш ва истиқлолчилик, маърифатпарварликдан иборат, деб тушиниш ҳам унча тўғри бўлмайди, у кучлар нисбатини ҳисобга олган ҳолда курашнинг қуроли шаклидан ҳам фойдаланди. Бу шўро даврида яққол сезилди. Яширин фаолиятда бўлган “Туркистон миллий бирлиги” (1920-1923 йил), “Миллий иттиҳод” (1920-1925 йиллар) “Миллий истиқлол” (1925-1929 йил) ташкилотлари коммунистик босқин ва мустамлакачиликка қарши курашнинг босмачилик шакли ва усулларидан, яъни босмачилик ҳаракатларидан ҳам кенг фойдаланди. Буни немис фашистлари босқинига қарши Европа халқлари олиб борган партизанлик уруши билан таққослаш мумкин. Талаффузда “босмачилик” ва “партизанлик” икки хил бўлса-да, стратегик мақсад ва кураш усули жиҳатидан бир хилликка эга. “Босмачилик” босқинчилик эмас. У кураш усули. Шунинг учун ҳам ҳозирда “босмачилик”ни “истиқлолчилик” деб атаётганларга қўшилиб бўлмайди.

Жадид ташкилотларининг мақсадлари кенгайиб, сиёсий тус олганининг сабаби иккита эди, биринчидан, 1914-1915 йилларда жадидчилик бошидан кечирган инқироз – газеталар, ва янги усул мактабларининг беркитилиши ҳоллари, ҳокимият жадидларнинг билмсизлик ва ғафлатга қарши кураш фаолиятини кенгайтиришга йўл бермаслиги, шунингдек, бусиз жамиятда ҳеч қандай ўзгаришларга эришиб бўласлигини кўрсатди. Иккинчидан, жадидчилик ҳаракатига хорижда ўқиб, чет элдаги миллий тараққийпарвар ҳаракатлар тажрибасини ўрганиб қайтган, ёш куч оқими келиб қўшилди. Улар маданийлаштириш доирасида чекланиб қолмай, аниқ сиёсий вазифалари қўйишни талаб қилдилар. Солиқларни камайтириш, амалдорлар зулмини чеклаш, деҳқонлар ҳаётини енгиллаштириш – шу талаблар жумлаисдан эди. Жадидлар бир-бирига зид бўлган икки оқимга – эскича фиклайдиган ва Фитрат бошчилигидаги ёшларга ажиралди. Натижада, ўзаро келишмовчиликлар мавжуд бўлган бирлик юзага келди.

бу ҳолат эса келишиб олинмаган ҳаракатларга саба бўлди. Натижада, амир манифестини қўллаш учун ўтказилган тинч намоёиш қувғин қилинди ва жаҳидларга қарши қтағонлар бошланди. Ф.Хўжаев ана шу сўл гуруҳига мансуб бўлиб, кейинчалик ҳам ана шу позицияда қолади. Жаҳидлар кекса авлодлардан фарқ қилиб, очиқ чиқишлар тактикасини хато ҳисобламас эдилар. С.Айнийнинг фикрича, Фитрат ва Ф.Хўжаев бошчилигидаги сўл гуруҳ узоқни кўра олмаганлиги ва вазиятни нотўғри тушунганлиги туфайли жаҳидлар гуруҳи тор-мор этилди. Шу жараёнлар Битирув малакавий ишимда ўрганилди. Менинг фикримча жаҳидларнинг иш дастурлари тўлиқ амалга ошганида эди, биз учинчи ренесанс даврига қадам қўйган бўлар эдик.

Битирув малакавий ишимнинг амалий аҳамияти шундаки, Тарихий ва илмий асарларни таҳлил қилиш ва уни ўрганиш жараёнида ёзган малакавий ишим лицей ва коллеж ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари тарих факультетида таҳсил олаётган талабалр учун семинар дарсларида қўлланма сифатида фойдаланишлари лозим. Чунки битирув малакавий ишимда жаҳидчилик ҳаракатининг юзага келиши Туркистон жаҳидлари илгари сурган ғоялар, қарашлар ва уларнинг илғор прогрессив мазмун моҳияти, жаҳид намоёндаларининг Туркистондаги демократик ва миллий истиқлолчилик ҳаракатларига ўтказган муҳим таъсири тўғрисидаги долзарб муаммолар ёритилган.

Битирув малакавий ишнинг тўзилиши, қўйдагича бўлди: Кириш, иккита боб, тўртта бўлим ва хулоса қисмларидан иборат. Кириш қисмида жаҳидлар ҳаракатининг тарих майдонига кириб келиши, улурнинг мақсади ва вазифалари нимадан иборат эканлиги ёритилди.

Битирув малакавий ишимнинг I бобида жаҳидлар ҳаракатининг ижтимоий сиёсий моҳияти масалалари иккита бўлимдан иборат ҳолда таҳлил қилиб ўрганилди.

Битирув малакавий ишимнинг II бобида эса жаид адабиёти намояндалари уларнинг ҳаракати асосй раҳбарлари Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат ва бошқаларнинг фаолияти ҳақида, уларнинг издошлари бўлган ёш бухороликлар, ёш хиваликларнинг фаолияти маориф ва маданият, Туркистондаги демократик ва миллий истиқлолчилик ҳаракатларига ўтказган муҳим таъсири масалалри ёритилди.

Шунингдек, хулоса қисмида, жаид намояндаларининг Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганидан сўнг, айниқса истиқлол курбони бўлган жаид намояндалари ижод ва илмий фаолиятига қизиқиш уни ўрганиш ва фундаментал асарлар яратилаётганлигига алоҳида эътибор бериш зарур эканлигига эътибор қаратилди.

I БОБ. ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ МОХИЯТИ

1.1. ЖАДИДЛАРНИНГ ТУРКИСТОН ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТИГА ҚАРАШЛАРИ

XIX аср охири ва XX аср бошида Туркистонда, Хива ва Бухоро хонликларида шунингдек, чор Россиясининг ўзида ҳам сиёсий вазият кескинлашиб бораётган бир вақтда Туркистон халқларининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий тараққиётида кескин бурилишга сабаб бўлган ҳаракат юзага келди.

Бу даврда Туркистондаги иқтисодий вазиятнинг ёмонлашуви халқнинг ижтимоий аҳволига ҳам ўз таъсирин кўрсатди. Ўша давр тадқиқотчиларидан бири Туркистон деҳқон ва ҳунармандлари аҳволи ҳақида тўхталиб, “Иқтисодий танглик ва моддий қашшоқлик, оғир меҳнат натижасида тўпланган бойликларнинг барчаси унча кўп бўлмаган эксплуататорлар қўлига топширилиши яқин келажақда жуда жиддий оқибатлар келтириши мумкин” деб ёзади¹.

Россия империясининг Туркистонда олиб борилган мустамлакачилик сиёсати ўлка халқларининг қашшоқлашувига сабаб бўлди. Туркистон аҳолисининг 90 фоизини ташкил этган деҳқон ва чорвадорларнинг аҳволи тобора мушкиллашиб борди. Туркистон ҳунармандларининг аҳволи ҳам қийин бўлиб, рус саноати молларининг рақобати уларни хонавайрон қилиб, кўпчилигинин ишчилар ва мардикорлар сафига кўшиб қўйди. Озиқ-овқат таъминоти қийинлашуви, нарх-навонинг ошиб кетиши чайқовчиликни юзага келтирган². Жадидларнинг Туркистонда давлат қурилиши тўғрисидаги хулосаларга келишида, ўлканинг иқтисодий ривожланишини кузатишлари муҳим аҳамият касб этган. Жадидлар жамият тараққиётининг муҳим жиҳати бўлган иқтисодий тараққиётга алоҳида эътиборни қаратганлар. Улар ҳар бир давлатни, миллатни

¹ Слуцкий И.М. Хлопководство в Туркестане //Туркестанское сельское хозяйство. 1911. №4. С. 352

² Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари. Тошкент: Шарқ, 2000. 165-бет.

ижтимоий-иқтисодий аҳволи фаравон бўлиш учун бу давлатда савдо, саноат ва деҳқончилик ривож топтоғи кераклигини эътироф этадилар.

Жадидлар XX аср бошида Туркистондаги иқтисодий-ижтимоий аҳволнинг издан чиққанлигини, ночорлигини англаганлар ва матбуотда миллатнинг иқтисодий билимларини бойитиш, онгини ошириш мақсадида турли хилдаги мақолалар чоп этиб турганлар. Бу орқали Туркистон халқларининг иқтисодий тафаккурини, онгини оширишга ҳаракат қилганлар. Бу ҳақда объектив тасаввур ҳосил қилиш мақсадини ўз олдига қўйган Убайдилла Хўжаев Қўқон, Андижон ва Наманганга бориб вазиятни ўз кўзи билан кўрган. Иқтисодий ҳолатни ўрганиш уни бутун Туркистонда мусулмонлар ҳаддан ташқари оғир шароитларда яшаётганлиги ҳақида қайғули хулосага олиб келди.¹

Ражабзода Ниёзий эса Туркистонда кескинлашиб бораётган ижтимоий-иқтисодий вазиятдан қутулиш учун аввало иқтисод, савдо, деҳқончилик ва саноат ривожига алоҳида эътибор бериш ҳамда бу соҳаларни ривожлантириш йўлида тинимсиз ҳаракат қилиш, назарий билимларни амалиётда қўллаш ижобий натижалар беришини таъкидлайди. Бундай вазиятни сабабларини таҳлил этиб шундай хулосага келади:

Биринчидан, даврлар ўтиши билан инсон эҳтиёжининг ўзгариши, Туркистон халқларининг бу даврда фойдаланаётган саноат техникаларининг замон ва эҳтиёжларга мувофиқ келмаслиги, яроқсизлиги;

Иккинидан, Туркистонда илм-фаннинг, саноат техникасининг ислоҳига, ривожига эътибор бермаслик.

Ражабзода Ниёзий қолоқ иқтисодий аҳволдан чиқиш йўллари ҳақида фикр юритади. Унингча, ҳар бир давлат, миллат тараққий этиши учун албатта унинг бойлиги, сармояси бўлиши лозим. Бу сармояни топиш учун қон тўкиш ёки жон бериш шарт эмас, балки иқтисодий фаолият деган

¹ Ўзбекистон давлатчилиги тарихи (очерклар). Маъсул муҳаррирлар: Д.А. Алимова, Э.В.Ртвеладзе. Тошкент: Шарқ, 2001. 156-бет.

қонуний ва муборак таълимотни чуқур ўрганиш керак. Иқтисод сўзининг луғавий маъноси бирор нарсани бир меъёрга сақлаш, умумий маъноси тижорат ва зироатни ривожланган даражага кўтаришдир.

“Олам тижоратда (иқтисод) илмига воқиф бўлмаган зот миллионларча оқча ва сарватга¹ молик бўлса ҳам иш кўра билмас ожиз бўлур. Чунки илми иқтисод сарват оқчанинг нечун ҳосил бўлмоғини ва нендайин қавоэд² ва шароит илан кунба тақсим ўлинмоқ хусусларинда баҳс қиладур. Оврўпо, Россияда қанча фабрикалар ва мунча машиналар мингларча асбоблар ва санъатлар кўрурсиз, булар ҳаммаси иқтисоднинг бир кетидан амалга келган нарсалардур. Оврўпо давлатлари бу кун икки илмнинг соясига ёпушурлар бири сиёсий ва дигари³ иқтисодийдур. Сиёсатлар ҳам иқтисодга боғлийдур. Иқтисодсиз сиёсат йўлга кетмасин”⁴. Шу билан у сиёсатининг иқтисодга боғлиқлигини, муаян сиёсатсиз иқтисод ривожланмаслиги ҳақида жуда тўғри хулоса қилади. Лекин, мустамлака ҳокимиятини Туркистон иқтисодиётининг ривожлантириш сиёсати бир ёқлама эди. У хом ашё базаси сифатида Россия манфаатларини қондириш учун хизмат қилиши лозим эди. Бу фикрни муаллиф ривожлантирмаган. Аммо, Туркистонда савдо, саноат ва деҳқончилик соҳалари тарқоқ ҳолда эканлиги, бундай вазиятда миллат равнақ топиш ўрнига фақирлик, қалоқлик юз тутишини куюниб ёзади. Агар, миллат иқтисодий билимларни чуқур эгалламаган бўлса, қанча бой-бадавлат бўлишидан қатъий назар ривожланиши мушкул бўлади. Шу нуқтаи назардан миллатнинг ҳар бир вакили иқтисодий илмга эга бўлиши ҳамда ушбу назарий билимларни ҳаётий фаолиятда қўллай билиши кераклигини кўрсатади.

¹ Сарват - бойлик

² Қавоэд - қоида

³ Дигари – бошқа, бўлак, яна, ўзга, яна бири.

⁴ Ражабзода Ниёзий. Санойэ миллиямиз ёхуд фаолияти иқтисодий//Садои Фарғона. 1914. № 65 26 сентябрь. 1 – 2-бетлар.

Жадидларнинг йирик намояндаларидан бири бўлган Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистонда очилган банкларнинг қай даражада аҳамиятга эга эканлигини, ундан қандай фойдаланиш кераклигини, халқнинг банклар билан узвий алоқа олиб боришларини айтади. Чунки, мана шу банклар орқали бошқа миллатлар тараққий этаётганлигини таъкидлайди. “Бас, нима бизни барбод этди? Нодонлик, ҳисобсизлик тўғриси ақл ва тарбиясизлик барбод этди. Айб банкда йўқ, бизда. Чунки бошқа миллатлар банклар сабаби ила обод бўлиб, давлати ва мулки ортиқ. Аммо биз зоҳиран¹ банклар сабаби ила барбод ва фақир бўлурмиз”².

М.Беҳбудий бу ҳолни асосий сабабини Туркистондаги тарбиясизлик, илмсизлик, ҳисоб-китобни, фойда ва зарарни яхши билмаслик, савдо-сотик иши, аҳли замонадан беҳабарлик, нодонлик ва жаҳолат ботқоғига ботганликда деб баҳолайди. Унинг фикрича, банк орқали рус, яхудий, арман ва бошқалар бойлик ортирган бўлсалар, Туркистон халқи бунинг акси, яъни бойликларидан, мулк ва обрўларидан ажралганлар. Чунки, халқ ўз қўлидаги мулк ва бойлигини тўйга, азага шунингдек, беҳуда вақтларга сарфлаган. Қарз олиб иморат қурган, тўй қилган. Халқ шу каби исрофгарчиликларга йўл қўйиб, охир оқибат фақирликка юз тутган ва айбни банкка юклаганлар. Рус, яхудий, арман халқи ҳеч қачон тўй деган балога 5 минг сўм ёки 1-2 минг сўм қилмаганлар. Туркистонда эса тўйларда 20 минглаб пул сарфланган³. Шунинг назарда тутиб М. Беҳбудий “тўй деган балога” деган иборани қўллайди. Бунда танқидий қарашни у ислом қонунларига ва муқаддас Қуръони каримга асосланиб айтади⁴.

М. Беҳбудий банкларнинг афзаллигини оддий ва тушунарли мисол орқали асослашга ҳаракат қилади. “Абдуллабой Баззознинг ўзида беш

¹ Зоҳиран – зоҳирда, сиртдан, ташқи кўринишдан.

² Беҳбудий. Оқ бонг (банк) лар бизни барбод этди! // Ойина. №19. 1 Март. 342 – 344-бетлар.

³ Ўша жойда

⁴ Қуръоннинг “Исро” сурасининг 29-оятда шундай ёзилган: “Қариндошинг ҳаққини адо эт, мискин бечоралар, йўловчи мусофирларга ҳам, (мурувват кўрсат) лекин сира исроф этма, зеро, исроф қилувчилар шайтоннинг биродарларидир.”

минг сўм сармояси бор. Дўконидан 500 сўмлик молни 6 ой ваъда ила насяга сотди. Албатта, бу сотилган молга ақлан 50 сўм фойда қўйиб эдики, юздан ўн юзасидан бўлур. Энди дўкондаги мол озайди, яъни мол олмоқ учун ақча йўқ. Контурдан нася олса, улда нақдига нисбат 7-8 ҳисса қиймат қилиб берур. Масалан, 400 сўмлик молни 6 ойга 470 сўм балки зиёда қилиб берур, ҳамда яхши молга ёмонин қўшар, агарда Абдуллабой Ьоззоз банкга, сотган моли учун олган векселини қўйса, 6 ойга банк 500 сўм нақд бериб фақат 15 ё 20 сўмгина фойда сақлайдурки, бизни Баззозимиз ушбу пулга 4-5 контурдан чеккасига чертиб, силаб молни арзолн нархга олур. Ана банк ҳикмати ва кўрклиги шундан иборатдур”¹

М.Бехбудийнинг юқорида келтирган мисолидан ана шуни англаш мумкинки, Абдуллабой нася сотган маҳсулотлари учун харидордан қимматбаҳо қоғоз, яъни вексел олган, лекин у иқтисодий билмни яхши билмагани учун, идоралардан насяга мол олганда иқтисодий зарар кўриши мумкин. Агар Абдуллабой иқтисодий илмга эга бўлганида, ҳамда банкнинг фаолияти, вазифалари, афзалликлари нимадан иборат эканлигини билаганда, иқтисодий зарар кўрмасди, балки векселни банкка қўйиб, нақд пул олиб, хоҳлаган идорасидан сифатли маҳсулотларни арзонлаштириб олиш имкониятига эга бўларди. Шу билан муаллиф банклар фаолияти ва иқтисодий билмларни билмаслик инсонлар учун қанчалик зарар эканлигини кўрсатиб берди.

Жадидлар Туркистон халқларининг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш мақсадида ҳар шаҳарда, қишлоқларда ширкатлик банклар ва хайрия жамиятларини очиш зарурлигини таъкидлайдилар.

“Садои Фарғона” газетасининг 1914 йил 59-сонида “Фарғонада банк очмоқ” номли мақола чоп этилган бўлиб, унда банк ва хайрия жамиятларини очиш юзасидан қуйдагилар баён қилинган. “Ҳар шаҳар ва

¹ Бехбудий. Оҳ бонг (банк) лар бизни барбод этди! // Ойина. №19. 1 март. 342 – 344-бетлар.

қишлоқларда ширкатлик банклар очмоқ лозимдир ва бунда банкларни очиб ҳар қандай муҳтожларга ёрдам бермоқ мумкиндир. Бу банкни очмоқни хоҳловчилар бўлсалар, “Садои Фарғона” идорасига мурожаат қилсалар, шундай банкларни очмоқга даркор бўладиган дастуриламал китобларни кўрсатурмиз ва бунга қараб очсалар бўладир. Бундай банкни очган вақтда ҳар қандоғ одам ўз бисотидан бекор турадиган пулини келтириб қўйса бўладир... Ҳар бир шаҳарда жамияти хайриялар очиб шундай пулларни шул банкларда ишлатиб кўпайтирмоқ ва саломат сақламоқ мумкиндир. Агар Фарғона музофотининг қайси шаҳрида жамияти хайрия очмоқга ихтиёр қилувчилар бўлса (Садои Фарғона) идорасига мурожаат қилсалар, маслаҳатини қилиб тегишли жойдан жавоб сўраб бермоқ мумкиндир”¹.

Миллий тараққийпарварлар яна бир масаланинг муҳим аҳамияти ҳақида кўп муҳокама қилганлар – бу мамлакат халқ хўжалигида замонавий технологиялардан фойдаланишдир.

Чўлпон Туркистонда зироат, яъни деҳқончилик масаласида тўхталиб, нима сабабдан бизнинг туркистонлик зироатчилар деҳқончилик ишларида замонавий техникалардан фойдаланмайдилар? –деган саволни қўяди.

У “Ватанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик ишлари” мақоласида Америка ва Россия деҳқонлари замонавий техникалардан фойдаланишларини, биз ўн киши ўн кунда қиладиган ишларимизни Америка ва Россия деҳқонлари икки киши ўн соатда қилишларини, ҳосилни ўриш, чопиш, териш, экиш каби ишларни замонавий техника ёрдамида тез ва осон амалга оширишларини, туркистонлик деҳқонлар оддий меҳнат қуроллари асосида ҳосилни кеч йиғиштириб олишларини баъзида қор, ёмғир ёғиб қолса, ҳосиллари далаларда исроф бўлиб қолиб кетишини айтади. Шунинг учун Туркистон деҳқонлари ҳам деҳқончилик ишларида бошқа миллатлар каби замонавий меҳнат қуролларидан

¹ Фарғонада банк очмоқ // Садои Фарғона. 1914. №59. 14 сентябр. 1-бет.

фойдаланишлари зарур деб таъкидлайди. Чўлпон ушбу фикрларни матбуот саҳифаларида ёзибгина чекланмади, балки мазкур масала юзасидан қишлоқларда юриб, кўп деҳқонлар билан фикр алмашади ва деҳқонлар билан бўлган мулоқот натижаларини қуйдагича тасвирлайди: “Қишлоқларда юриб ўзим кўп деҳқонлар билан кўрушуб фикр алишдим. Энди аларни фикрларини ўйлаган миллатпарвар киши кўзларидаги қонли ёшларини оқузмай мумкин эмас. Агар этадурларки “дуруст¹ зироат машиналари фойдалиқ экан аммо, пул керак бизнинг кўлимизда бўлса нақд тайёр пул йўқдур”. Мен айтдим экин вақтида пул бўлур ёки пул ўрнига экилган экинлардан олиб бориб берсангиз ҳам мумкинку. Улар ушбу таассуфлик ёмон жавобни берадурлар. “Пахта эксак гўзапоясигача, буғдой эксак сомонигача қарзимиз бадалига хўжайинларимиз бойларга олиб боруб берамиз. Яна иккинчи экинга берадурғон бўлиб бойлардан пул олиб қиш ичи бола-чақаларимиз ила минг машаққат ва минг қийинчилик ила овқат² ўтказамиз. Қиш чиққандан кейин бола-чақаларимиз ила ишга тушамиз, болаларимиз ўқишдан қоладурлар. Мардикор олсак яна сарф зиёда бўладур. Пул йўқ. Ноилож болаларимизни далага олуб чиқиб қўш ҳайдаш, гўза чопиш, чигит экиш шунга ўхшаш қийин ишларга қўямиз. Чигитга пул деб борсак хўжайинлар сўкиб ҳар турли ҳақоратлар ила йиғим-терим вақтида 100 сўм қилиб беришга, 40-50 сўм берадурлар. Иккинчи они олиб чиқиб бир кун ҳам қишлоқда сақлай олмаймиз. Яна бу аҳволнинг устига бир тўй-мўй бўлиб қолса, тамом оч-ялонғоч ер савалармиз, бойлар кўлинда кўчаларда тиланчи-гадо бўлиб қолармиз “қани мунча чора?” дейдурлар³.”

Юқорида келтирилган маълумотлардан XIX аср охири XX аср бошида Туркистондаги ижтимоий аҳволнинг қандай ҳолатда эканин яққол кўриш мумкин.

¹ *Дуруст* – тўғри.

² *Овқат* – вақт

³ *Чўлпон*. Ватанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик ишлари // Садои Фарғона. 1914. №13. 7 май. 2-қисм. 2-бет.

Чўлпон Туркистон меҳнаткашларини бундай аянчли вазиятдан олиб чиқиш учун барча тараққийпарвар ёшларга мурожаат қилиб, сизлар ҳам ёзсангизлар ҳар доим бечора мазлум деҳқонларни пулдорлардан қуллик, асирликдан қутулиш йўллари тўғрисида ёзинглар деб даъват қилади.

У “Бизлар учун тараққий қилмоқ ҳозирги замонда жорий бўлиб кўзга кўриниб турган, янгидан ихтиро қилинган саноатларни илмини ўрганмоқ ва замонамизга ва тижоратимизга зарур бўлган илмлардан ўрганиб мундан кейин келадиган ёшларимизга ўргатмоқдир” деган хулосага келади¹.

XX асрнинг боши-тезкор равишда машина технологияларни халқ ҳўжалигига кириб келиши даври бўлган. Америка, Россия, Европа давлатларида фан-техника тараққий этиб, саноатда турли ишлаб чиқариш техникаларини ихтиро қилганларини, бу эса қўл меҳнатидан фойдаланишни камайтириб, ишлаб чиқариш техникаларидан фойдаланишни кенгайтирган. Янги ихтиро қилинган ишлаб чиқариш техникаларидан фойдаланиш натижасида қўл меҳнатига қараганда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш қисқа вақтда амалга оширилган.

Ушбу замонавий техникаларнинг қулайлигини, фойдалилигини ҳисобга олган ҳолда, жадиidlар Туркистон саноатида ва зироатида ҳам ана шундай замонавий техникалардан фойдаланишни, замонавий техниканинг қандай яратилганлигини Туркистон халқига, хусусан ёшларига ўргатиш, Туркистонда ҳам шундай ишлаб чиқаришга жорий этиш, янги ишлаб чиқариш соҳаларини, яъни янги-янги ҳунарларни яратиш кераклигини айтадилар. Шунингдек, Туркистон ёшларига тижорат, зироат ишларини ҳам ўргатиш зарурлигини таъкидлайдилар.

“Садои Фарғона” газетасида “Ҳар бир миллатнинг тараққийси илм-саноат-тижорат-зироатдан бошланур” деб таъкидланади¹. Бу фикр Туркистон жадиidlарининг концептуал шиори бўлган десак муболаға

¹ Тараққийпарварлик // Садои Фарғона. 1914. №79. 2 ноябр. 3-бет.

¹ Тараққийпарварлик // Садои Фарғона. 1914. №79. 2 ноябр. 4-бет.

бўлмайди. Улар агар бирон-бир давлатда ушбу соҳалар ривожланган бўлса, шу давлатда миллатнинг фаровон яшаши ҳам таъминланган бўлишини яхши тушунганлар.

Миллий тараққийпарварлар Туркистон халқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган ҳунармандчиликнинг ислоҳатиغا, ривожига алоҳида эътибор берш зарурлигини таъкидлайдилар.

XX аср бошига келиб Туркистон ҳунармандлари фаолиятининг ёмонлашуви уларнинг қарздор бўлиб қолишига олиб келган. Охир оқибат ҳунармандлар ўз ҳунарларини тарк этиб, мардикор ва завод-фабрикаларда ёлланма ишчи бўлиб ишлашга мажбур бўлганлар. Туркистон ҳунармандчилигининг нуфузи тушиб кетишига асосий сабаб янги технологияларга асосланган Россия саноати, бозорини кириб келиши шунингдек, миллатчилик кайфиятидаги рус маъмурлари фақат Россия манфаатларини ҳимоя қилиб, ўлкада хом ашёга дастлабки ишлов бериш саноатидан бошқа саноат турларини вужудга келтирмасликка, Россиядан эса ўлка бозорлари учун тайёр маҳсулот келтиришга ҳаракат қилганлар. Бунинг оқибатида Туркистон ҳунармандлари ва косиблари Россиянинг нисбатан арзон ва сифатли маҳсулотлари рақобатига бардош бера олмаганлар. Албатта, бундай шароитда европалик ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ўз ҳаридорини тез топган. Ҳаттоки, тараққийпарвар зиёлийлар ҳам киядиган оёқ кийимларини ва либосларини европалик усталарга буюртирганлар². Туркистон маърифатпарварлари “Ёшларимизга ҳунар ўргатмоқ учун бирор жойга ҳунар мактаби очиб энг яхши янги усулда ишлайдиган усталардан келтириб, уларга ёш болалардан шогирд бериб ҳунар ўргатмоқ керак. Тараққий қилмоқни хоҳлаган ҳар бир миллатга шундай йўлларга ҳаракат

² Тараққипарварлик // Садои Фарғона. 1914. №79. 2 ноябр. 3-бет.

қилиб шундоғ мактабларни ё шундоғ (мастерский) яъни, ҳунархоналарни очиш кераклигига ҳеч ким инкор қилмаса керак” деб таъкидлаганлар¹.

Нўширавон Ёвушов Туркистон тижорат ва зироат соҳаларининг таназзулга учраши, ривожланиш ўрнига орқага кетаётганлигини, савдогарлар ва деҳқонлар савдо-сотик йўқлигидан, сотган нарсаларидан ҳам фойда кўра олмаётганларидан шикоят қилаётганларини, бунинг асосий сабаблари нимада эканлигини билмаётганликларини таъкидлайди. Муаллиф Туркистонда тижорат ва зироат нима сабабдан касодга учраётганлигини ва бунинг олдини олиш учун нима қилиш зарурлигини аниқ асослар билан тушунтириб беришга ҳаракат қилади. “Бу йўлдаги муваффақиясизликларимизнинг биринчи сабаби насядир”². Кичик савдогарлардан бошлаб Москва ва Варшавадаги йирик фирмаларгача ушбу нася балосига йўлиққанлар. Москва бойлари хорижий давлат банкларидан кўп пул олиб, миллион сўмлаб сарфлаб катта-катта фабрика ва заводлар очганлар. Бундай фабрика ва заводлар ҳар шаҳарда қурилиб, улар сони аста-секин кўпайиб борган. Бу фабрика ва заводлардан ортиб қолган. Бунинг натижасида Москва бойлари, яъни корхона раҳбарлари ишлаб чиқарилган маҳсулотларни тезроқ сотиб ва қарзлардан қутулишга ҳаракат қиладилар. Туркистон савдогарлари маҳсулот олиб келгани Москвага борганларида, Москва фирмалари 10-15 минг сўмлик маҳсулотни насяга берганлар. Аслида, Туркистон савдогарлари ўзлари билан Москвага 5-6 минг сўм пул олиб борганлар. Шундай қилиб, Туркистон савдогарлари фирмалар томонидан берилган нася ҳисоби билан 15-20 минг сўмлик маҳсулот билан Туркистонга қайтганлар. Туркистон савдогарлари маҳсулотларни Москвадан 10 % олиб келиб қиммат нархда насяга сотганлар. Агар савдогарлар маҳсулотни насяга бермасалар, ишлари тўхтаб қолган. Чунки, нақд пулга харидор топилмаган. Шундай қилиб нася

¹ Ўша жойда.

² Нўширавон Ёвушов. Туркистонда тижорат ва зироат // Садои Туркистон. 1914. №18. 13 июн.

ришталари Москвадан Туркистоннинг шаҳар ва қишлоқларигача чўзилган. “Ҳозирги савдо илмини бир дарахтга ташбеҳ¹ қилсак нася онинг курутқувчи қаровидир. Бу қаров аввало ул дарахтнинг япроғини сўнгра шохларини ва ниҳоят ўзак ва томирини қурита. Охир оқибат ул дарахт буткул йиқилур – синар. Яъни савдогарларимиз насяларини тамомила ундириб ола олмайдурлар, шу сабабдан аввало кичик савдогарлар ва сўнгра (Москва)лар синиб йиқилур”².

Насиянинг унмай қолишининг сабаби халқнинг фақирлигидан келиб чиқади. “Агар халқимиз шу йўл борсалар истиқболлари яхши ўлмаса керак. Савдо ва нася балосидан кўп киши ер ва мулкларидан айрилуб қоладурлар. Ҳозирги савдодан на Туркистон ва на Москва асло фойда кўрмайдур. Бизнинг бу кунги меҳнат ва ҳаракатларимиз ёлғиз европаликлар учундур”³.

Муаллиф Туркистон халқи ва савдогарлари зироат ишларига аҳамият бериб деҳқончилик ва боғдорчилик ишларини ривожлантирсалар, сувсиз ерларга ариқ қазиб, сувлар чиқарсалар, эскирган ерларни янгилаб, янги асбоб ва техникалар билан ерга кўпроқ ишлов берсалар, қисқа вақт ичида иқтисодий қудратга эга бўладилар. Натижада, халқимиз нася ва қарздан қутулиб, топган пулларининг ҳаммаси ўз бюджетларига тушади деб хулоса қилади.

“Зироат ишларимиз тараққий қилиб, иқтисодий қувватларга молик бўлса, оҳиста-оҳиста саноат ишларини ҳам қўлимизга олурмиз. Тадрижо⁴ корхона-заавод ва фабрикалар очармиз. Дунё кераги маишат асбоби учун Москваларга бориб юарга эҳтиёжимиз ҳам қолмас. Улчокда ажнабийлар¹

¹ *Ташбеҳ* – ўхшатиш, ўхшашлик, мослик.

² Нўширавон Ёвушов Туркистонда тижорат ва зироат // Садои Туркистон. 1914. №18. 13 июн. 2-бет.

³ Ўша жойда 2-бет.

⁴ Тадрижо – аста-секин

¹ ажнабий – чет эллик

ва европалар ўзлари Туркистонга келадурғон бўлурлар”² - дейди Нўширвон Ёвушов.

1. 2. ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

² Нўширавон Ёвушов Туркистонда тижорат ва зироат // Садои Туркистон. 1914. №18. 13 июн. 2-бет

Жадидчилик Ўрта Осиё ва Европадаги илғор ислохатлар оқими таъсири остида XIX аср охири – XX аср бошларида вужудга келди ва ижтимоий тараққиётида бурилиш босқичини ёлғилаб берди. Миллий зиёлилар, илғор тараққийпарвар кучлар мустамлака Туркистон, Россияга ярим қарам бўлган Бухоро ва Хива хониликлари инқироzi аҳвол, бу ўлкаларнинг умумжаҳон тараққиётдан тобора ортида қолаётгани, маҳаллий аҳолининг эрк учун интилишларининг бостирилиши сабабларини, нафақат иқтисодий соҳада ҳам юзага келган турғунликни чуқур англаб етдилар ва бу улар онгида жамиятда ислох этиш ғояларини уйғотдики, бусиз тараққиётни тасаввур ҳам этиб бўлмас эди.

Ўрта Осиёдаги бу ислохчилик ҳаракати мураккаб, тарихий жihatдан серққира йўлни босиб ўтди. Жадидчилик турли мамлакатлардаги тараққиёт, ислохатлар учун олиб борилган ҳаракатларнинг фалсафий тажрибасига таяниб, бу тажрибани миллий асосда қайта ишлашга интилди, афни пафтида ижтимоий тараққиётйўллари ҳақидаги турли қарашларнинг тўқнашув майдони бўлди. Мустамлакачиликка қарши курашнинг бош ғояси ана шу мураккаб йўлда шаклланиб етилди. Жадидлар ўзларининг келажакдаги тузумини қандай тасаввур этардилар? Уларнинг бу ҳақда дастури бормиди? – деган савол туғилади.

Жадидчилик ўз тарихида икки босқични ўтган. Биринчиси – маърифатчилик босқичи иккинчиси – сиёсий босқич. Лекин жадидларнинг давлатчилик масаласига қарашлари биринчи даврданоқ шакллана бошланган ва иккинчи босқичда аниқ бир шаклга келган деса бўлади. Ўтмишга назар ташлаб, улар, жамиятдаги барча салбий ҳолатларни миллий давлатчиликнинг йўқотилиши билан боғлаганлар. Масалан М. Беҳбудий фикрича, хонликлар 50 йил илгари дунёдан ажралган ҳолда бўлиб, дунё эришган ютуқлардан фойдалана олмаганлар ва бу миллий давлатчиликни йўқотилиши ҳамда мустамлакачилик асоратига тушиб қолишнинг сабабларидан бири бўлди, бу эса Туркистон халқларининг Европа

қонунлари асосида яшашга мажбур қилди. Лекин улар мазкур қонунларни билмайдилар. Ҳуқуқларни билиш, уларни ҳимоя қила олиш учун билимга эга бўлиш лозим. У юқори маълумотли мутахассислар, хусусан, ҳуқуқшунослар давлат думаси, судлар ва Россия маъмуриятининг Туркистондги органлари орқали миллатга фойда келтиришлари мумкин, деган фикрга келди. Шу тариқа Бехбудий ҳам 1913 йилдаёқ шундай назарияни илгари сурди: Туркистонликлар ўртасида маърифат ва таълимни ривожлантириш уларнинг ўз миллий давлат манфаатларини ҳимоя қилишлари учун зарурдир.

Жадидлар концепциясини таркибий қисмини Туркистондаги барча халқларни бирлаштириш муаммоси ташкил этади. Жадидлар ўзларининг келажакдаги давлат тузумини барча миллатларнинг бирлиги асосида тасаввур этардилар. Бу ҳақда Бехбудий шундай деганди: “Биз жорий этган қонунлар яҳудийларнинг ҳам, насронийларнинг ҳам, мусулмонларнинг ҳам ва умуман, барчанинг манфаатларини ҳимоя қилишлари керак. Агар биз, Туркистон мусулмонлари, биргаликда ислохотлар ўтказишни истасак, бизнинг зиёлийлар, маърифатпарварлар, бойлар, рухонийлар ва олимлар миллат ва Ватан фаровонлигига хизмат қилишлари керак... Агар бизни мустамлакачилик қонунлари билан бошқараётган эканлар, бунинг сабабчиси, аввало, ўзимизнинг ноиттифоқлигимиздир!”¹.

Жадидларнинг халқаро алоқалари жуда кенг қамровли бўлган. Улар Россия, Туркия, Миср ва бошқа мамлакатлардаги жадидчилик оқимлари дастурларидан хабардор бўлганлар, ўзаро сафарлар, мулоқотлар орқали тажриба алмашганлар. 1905 – 1906 йилги Россиядаги инқилобиф ҳаракатлар Туркистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Прогрессив кучлар жипслаша бошладилр ва жадидлар маърифатчилик фаолиятини жадаллаштирдилар. Бу фақатгина мактабларда эмас, балки жонли матбуотчилик фаолияти, жумладан, рўзномаларнинг кўплаб вужудга

¹ Бехбудий М. Баёни ҳақиқат. // Улуғ Туркистон. 1917. 12 июн.

келишида ҳам кўринади. Чунончи, 1906 йилда Исмоил Обидовнинг муҳаррирлигида “Тараққий”, шу йили Мунавварқори муҳаррирлигида “Хуршид”, 1907 – 1908 йилларда Абдулла Авлоний муҳаррирлигида “Шуҳрат”, Аҳмаджон Бектемиров муҳаррирлигида “Осиё” рўзномалари чоп этилди.

Лекин тез орада чор маъмурияти ўзининг эксперти Н.П.Остроумов билдиришномасига асосланиб, бу рўзномаларни ман этди¹². Маърифатчиликнинг янги тўлқинида 1913 – 1915 йилларда “Самарқанд”, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона”, рўзномалари, “Ойина” ойномаси, 1917 йилда эса “Хуррият”, “Кенгаш”, “Нажот”, “Эл байроғи”, “Улуг Туркистон”, “Турон” оммавий воситалари пайдо бўлди.

Жадидлар Россиядаги сиёсий жараёнларни диққат билан кузатиб бордилар, вужудга келаётган рус сиёсий партиялари дастурларини ўргандилар. Лекин миллий минталитетнинг ўзига хос хусусияти бўлган ўзбек халқининг тинчлик севарликка, босиқликка мойиллигидан келиб чиқиб, улар тинчлик йўли билан, жамоатчиликнинг мурожаатлари, Давлат Думасидаги оммавий бахслар, бошқа легал воситалар билан подшо ҳокимиятидан ўз мақсадларини амалга ошириш йўлида ён беришга эришишга интилдилар. Аммо чоризм маъмурияти Давлат Думасида туркистонлик вакиллар бўлишини ман этган. Бу, бир томондан, ўлка халқнинг ҳуқуқлари ва кадр-қимматини поймол қилиш бўлса, иккинчи томондан, уларнинг сиёсий онгининг ўсиши Россия империясига давлатчилигига хавф туғдирар эди. Ўшандаёқ жадидлар, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 1906 йил 11 октябрда “Хуршид” рўзномасида чоп этилган мақоласида ўз аксини топган хулосага, яъни бирлашиб ягона мусулмон партияси тузиш ва Бутун Россия мусулмонлари иттифоқи таркибига кириш

¹ Художкулов А.М. Просветительская деятельность джадидов Туркистана. (конец XIX – начало XX в.в): Дисс. На соискание степени канд. ист. Наук. – Ташкент, 1995. – С. 109.

зарурлиги ҳақидаги фикрга келдилар¹. Шу билан бирга Россиядаги барча туркий халқлар орасидаги прогрессив куларга таянишга интилдилар. Ушбу мақоласида Беҳбудий социал-демократлар партиясига нисбатан ўзининг салбий муносабатларини билдиради. У бу партиянинг дастурини мусулмонлар ҳаёти нормаларига мувофиқ келмайдиган ҳаёлий (утопия)дир, деб ҳисоблаган.

Жадидчилик Столипин реакциясидан сўнг яширин тусга ўтди. Чунончи, Тошкент полция департаментига етказилишича, мана шундай гуруҳлардан бирини ўқитувчи Аҳмаджонов бошқарган ва у, асосан, миллий зиёлийлар ҳамда ўқувчи ёшлар вакилларидан таркиб топган. Қўқондаги махфий гуруҳ 50 кишидан иборат бўлган. Андижондаги жадидларнинг яширин ташкилоти “Тарақийпарвар” деб аталиб, махфий ишлар бўйича полиция бўлимининг маълумотларига қараганда, унинг раҳбарларидан бири Убайдулла Хўжаев (Убайдуллахўжа – Асадуллахўжаев) бўлган. Шунингдек, подшо айғокчилари 1909 – 1916 йиллар давомида мударрис ва мактаб ўқитувчиларининг ўлкани бошқаришда ислоҳатлар ўтказиш кераклиги ҳақида тарғиботлар олиб бораётганликларини бир неча маротаба ҳукуматга етказганлар².

Марказий Осиё жадидчилигига 1905 – 1911 йиллардаги Туркия ва Эрон инқилоблари сезиларли таъсир кўрсатди. Бу мамлакатлардаги миллий зиёлийлар вакиллари монарх ҳокимиятнинг конституцион доирада чекланишга, миллий буржуазиянинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш учун шарт-шароитларни қўлга киритишга эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлар. Бироқ уларнинг тажрибалари Туркистон жадидлари томонидан механик тарзда кўчириб олинмади. Улар Шарқ ва Европа малакатларининг муштамлакачиликка қарши кураш ҳамда демократик амалиётидан ўлка шароитларига мувофиқ келувчиларни

¹ Беҳбудий М. Хайр ул-умуру авсатуҳо.//Хуршид. 1906 – 11 октябр.

² Аъзамхўжаев С.С. Туркистон Муторияти. Тошкент Маънавият. 2000. 21-бет.

танлаб олдилар, шароитга тўғри келмайдиганларидан воз кечдилар ёки бир оз ўзгартириб қабул қилдилар.

Россия Феврал демократик инқилоби арафасида, Туркистон жади́дчилиги етук сиёсий ҳаракатга айланди. Агар,Биринчи Жаҳон урушидан кейин жади́длар парламентлар монархия учун курашган бўлсалар, Феврал инқилобидан кейин Туркистон жади́дларининг “тарақийпарварлар” оқимини ташкил қилган радикал қисми анча кенг қамровли, бир қатор сиёсий талабларни илгари сурди. Улар қаторига бошқариш юзасидан асосли ислохотлар ўтказиш, ўлкага Давлат Думасидан аҳоли сонига қараб ўрин бериш, асосий демократик эркинликлар, аввало, миллий матбуот эркинлигини таъминлаш, чоризмни конституцион тизим билан алмштириш кабилар кирарди. Шу даврда жади́длар Россия фёдератив тузумини ва унда Туркистоннинг ўрнини қандай тасаввур қилганлар? Уларнинг фикрича, ҳар бир шаҳар ва уезддан бир нечта вакил сайлаш керак ва Тошкентда Туркистон учун яроқли амалий натижа берадиган солиқ қонунлари ва фармонлар чиқара оладиган катта марказ ва мажлис (бизнинг фкримизча, парламент кўзда тутиляпти. – Д.А.) ташкил этиш керак. Бундай мажлис Россия ҳукумати ва мусулмонлар ўртасида воситачи бўлади. Бу Туркистоннинг фаровонлигига хизмат қилувчи Туркистон маъмуриятини мустаҳкамлайди¹.

Бироқ М. Беҳбудий такидлаганидек, ҳаққа эришиш учун қайси миллатга мансублигига қарамай, барча аҳоли ижтмий курашга фаол киришиши керак ва рус аҳолиси билан бирлашиб, ҳар бир уезддан вакил сайланган. “Туркистонмусулмонлар шўроси”ни ташкил этиш лозим. Унинг фикрича, Россия демократик давлати доирасида мухторият сифатида шаклланиш ва мустақиликка бориш йўлидаги биринчи шарт – ички қарама-қаршиликлар ва келишмовчиликларни бартараф этишдир.

¹ Беҳбудий М. Ҳақ олинур берилмас. //хуррият. 1917. № 22. 13 июн.

Кўриниб турибдики, Беҳбудий миллий миллий озодлик ҳаракатидаги тарқоқлик қайтадан мустамлака бошқарувига олиб келишини жуда яхши тушунган. Агар “Бутун Туркистон халқи иттифов этса, қон тўкилмас Ер ва амлок тақсим бўлмай қолур. Они ҳам раво топур. Минг қарра доду бедодки, ихтилоф этмоқ учун иттифоқ эканимиз ва ихтилофимиз сабаби ила бадбахтликка дучор бўлурмиз”¹.

Феврал демократик инқилоби натижасида Россияда янги давлат тузуми ўрнатилганлиги давлат шаклида мухторият олишга умид боғлаган жадиждларни руҳлантириб юборди. Айни пайтда, миллий сиёсий партиялар ва ташкилотлар, жумладан, жадиждлар томонидан “Шўрои Исломия”, “Иттифоқ” каби бир қатор ташкилотлар тузилиди. Бу пайтга келганда жадиждлар туб ерли аҳоли ижтимоий таркибининг турли қатламларини ўз ўз ортларидан эргаштира олдилар, улар онгида мусулмонлар бирлигини мустаҳкамлаш, жипслаштириш хиссини уйғотдилар. Аммо жадиждлар тез кунларда тушундиларки, Россиядаги Муваққат ҳукумат ҳам, унинг Туркистондаги Муваққат Қўмитаси ҳам ўлкада аввалгидек мустамлакачилик сиёсатини давом эттириш йўлини тутмоқда. Чунончи, бу сиёсати Таъсис мажлисини чақиришга тайёргарлида яққол намоён бўлди. Шу вақтдан жадиждлар учун мустақиллик ва мухторият ё ҳаёт, ё мамот муаммосига айланди ва жадал сиёсий жанглар бошланди. Улар ҳукуматнинг мустамлакачилик сиёсатини қаттиқ танқид остига олдилар ва Туркистоннинг Россия Демократик Федератив Республикаси таркибида миллий-ҳудудий мухторият мақомини олиш учун астойдил ҳаракат қилишга киришдилар. Жадиждларнинг дастурий хужжатларида диққат-эътибор миллий-ҳудудий мухториятнинг асосий тамойилларини амалга ошириш механизмлари – Туркистон Федератив Республикаси имкониятига тааллуқли бўлган масалалар бўйича қонунлар чиқаришни амалга ошириш учун чиқарилган мустақил ваколатли ўлка ҳокимиятининг олий органлари,

¹ Беҳбудий М. Туркистон мухторияти.//Хуррият. 1917. №19. 12 декабр

бошқарув ва суд механизмларини ишлаб чиқиш, ўз давлат тузилишини барпо этишга қаратилди. Бошқарувнинг пойдевори сифатида республика шакли танлаб олинди. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар берилган ва конституцион жиҳатдан кафолатланиш лозим бўлган демократик жамиятни шакллантириш – устувор мақсад қилиб белгиланди. Туркистон жадиждлар давлат мустақиллиги ҳақидаги ўз тасаввурларини ҳаётга тадбиқ этишни малакатдаги турли ижтимоий кучлар ўртасида тинчлик ва келишувчилик, демократик асосда шакллантирган Россия Таъсис мажлисини чиқариш билан боғлаганликлари ҳам диққатга сазовор. Ўша пайтда, жадиждларнинг тараққийпарвар намояндалари “Шўрои Исломия”, “Шўрои Уламо” ташкилотларига ажиралиб кетган эдилар. Аммо Таъсис мажлисида ўрин олиш масаласининг муҳимлигини англаш, бу икки жадиждчилик оқимининг қўшилишига ва “Турк Адами марказияти” номи билан аталувч ягона Туркистон Федералистлари партиясининг ташкил этилишига олиб келди.

Бироқ, Туркистондаги октябр воқеалари ва большевикларнинг ҳокимиятни эгаллаши уларга ўз мақсадларини охиригача амалга оширишларига имкон бермади. Шунга қарамай, улар янги большевиклар ҳокииятининг “Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш тўғрисида”ги декларациясида кўрсатилган ҳуқуқларидан фойдаланиб, маркази Қўқонда бўлган, Туркистон Мухторияти деб аталган мустақил мухтор республика эълон қилдилар.

Жадиждчиликнинг феномени шундаки, кейинги уч аср ичида бу оқим биринчи бўлиб миллий демократик давлатчилик қуришга уринди, ягона мустақил Туркистон учун курашди ва у миллий мустақиллик ғоясига асос солди, уйқудаги Шарқни уйғонишга ва ҳаракатланишига, озодлик, миллий ғурур, ўз буюк аجدодлари, бой маданияти ва умуман, мустамлака тузумининг тазйиқи остида унутилган барча қадриятларни хотирлашга ундади. Жадиждлар таълимоти – ўз замонасининг ҳақиқий таълимоти эди.

Чунки у нафақат тараққийпарвар шахслар, балки фикрловчи ёшларни, шунингдек, барча тараққипарвар зиёлийларни ўз кетидан эргаштира олди.

Агар жаидлар фаолиятининг маърифатчилик босқичида Туркистон халқини бирлаштириш фикри маънавий хусусиятга эга бўлган бўлса, 1917 – 1918 йилларда у Туркистон Мухториятининг миллий манфаатларни ҳимоя қилишнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолди. М. Беҳбудий ҳеч ким, ҳеч қандай ҳокимият халққа ўз ихтиёри билан мустақиллик бермаслигини таъкидлаган. Тарихда яхши маълумки, деб ёзади у, “Ҳақ олинур берилмайдур. Ҳар миллат ва мамлакат халқи ўзининг ҳуқуқи, дини ва сиёсатини ҳаракат ва иттифоқ ила бошқалардан олади... Биз мусулмонлар хусусан, Туркистон мусулмонлари, истаимизки, ҳеч бир киши бизнинг дин миллатимизга зулм таҳдид қилмасун ва бизни ҳам бошқаларга таҳдид қилмоққа асло фикр ва ниятимиз йўқ”¹.

Мустақиллик курашиб қўлга киритилади ва бунда муваффақият қозониш бирлаша олишимизга боғлиқ, деб уқтиради у. Ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар ҳада Европа миллатлари вакиллари мурожаат қилар экан, Беҳбудий мухториятни сақлаш учун вақтинчалик келишмовчиликлардан ва бахслардан воз кечишга чақиради. Кўринадики жаидларнинг қарашларида бу фикр қуйдаги юқори даражага, маърифатчилик доирасидан сиёсат доирасига чиқиб борган, яъни Туркистон Мухторияти давлатчилигининг тақдири Туркистон жамиятидаги бирлик ва ҳамжиҳатлик билан тўғридан-тўғри боғлиқ ҳолда қаралади.

Жаидларнинг Туркистондаги давлат қурилиши тўғрисидаги хулосаларга келишида, ўлканинг иқтисодий ривожланишини кузатишлари муҳим аҳамият касб этишган. Убайдулла Хўжаевнинг мақолаларининг бири (1915), ўлка зиёлиларининг иқтисодий аҳволи ва характери тўғрисида тўла тасаввур беради. Бу ҳақда объектив тасаввур ҳосил қилиш мақсадини

¹ Беҳбудий М. Баёни ҳақиқат. // Улуғ Туркистон. 1917. 12 июн.

ўз олдига қўйган. У. Хўжаев Қўқон, Андижон ва Наманганга бориб вазиятни ўз кўзи билан кўрган. Иқтисодий соҳада ишнинг ҳолатини ўрганиш уни бутун Туркистонда мусулмонлар ҳаддан ташқари оғир иқтисодий шароитларда яшаётганларини ҳақидаги қайғули хулосага олиб келди. Айниқса, Қўқон аҳолиси қолоқлиги билан алоҳида ажралиб туради. Заводлар, пахта тозалаш саноати Европа миллатлари вакилларининг қўли остида. Нима учун мусулмонлар шу ўринда суст, ташаббуссиз ва заиф? – деб хитоб қилади муаллиф¹. Унинг тасаввурича, бунинг сабаби, улар томонидан тиришқоқдик, фаоллик ва меҳнатгина ҳолатни ўзгартириши мумкин эканлигини тушунмасликдадир. Андижон мусулмонларининг аҳволи анча яхши. Гарчи, Наманган, мақола муаллифининг сўзларига қараганда, илмий тафаккур ва умуман, маданият тараққиётининг даражаси жиҳатидан анча ортда қолаётган бўлса ҳам, бу ерда савдо, тадбиркорлик, бизнес, ишлаб чиқариш туб ерли аҳоли қўл остида жамланган ва муваффақиятли ривожланмоқда. Бироқ, барча шаҳарларда маданий ҳаётнинг пешсаҳнасига ўз миллий ва маданий камчиликлари”ни англаётган ва уларни аста-секин ислоҳ этишга уринаётган ёшлар чиқмоқда эдилар. Убайдулла Хўжаев, бу шаҳарларнинг ёшларига Тошкентнинг, унинг зиёлиларнинг салмоқли таъсири бўлаётганлигини кўрсатиб ўтади. Маданий ва илмий жиҳатдан қолоқлик уларни илм эгаллашига интилиши, маърифатпарварлик фаолияти билан шуғулланиш сари боришмоқда, деган фикри билан келишмаслик мумкин эмас. Унинг бутун Туркистон маърифати билан ёнаётганлигига ва унинг алангалари ўчмаслигига имони комил бўлган. Жадидлар Туркистоннинг келажаги ҳуқуқлари билмларга боғлиқ деб ҳисоблардилар.

Бехбудий ўзининг “Қонуни Оврупо”, ҳақ олинур, берилмас!”, “Лойиха”, “Қози ва бийлар ҳақида лойиха” мақолаларида Туркистонда вужудга келган ҳуқуқ соҳасидаги оғир вазият ҳақида ёзади. Шунингдек,

¹ Ходжаев У. Турли ўринлар. // Садои Туркистон. 1915. 2 феврал.

ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишни элликбоши ва қозиларнинг ихтиёрига бутунлай топшириб қўйилганлиги оқибатида, улар нафақат диний, балки маиший масалаларни ҳам порахўрлик асосида ҳал қилаётганликлари учун рус ҳукумати танқид қилади. Беҳбудийнинг шариатда Россия сиёсати ва рус маданиятига мувофиқ келмайдиган, лекин мусулмонлар талабларига жавоб берадиган қонун-қоидалар бор эканлигига имони комил. Ислом қонунчилигига оид чуқур билимларга эга бўлиш, унга қонунбузарликларни, қозилар томонидан шахсиф манфаатлари йўлида шариат нормаларини сохталаштириб талқин этишларини аён кўриб туришга имкон берган.

Бу соҳада ишнинг ҳолатини синчклаб таҳлил этиш Беҳбудийнинг қозилик судлари тизимини бекор қилиш зарурлиги, уларнинг ўрнига Туркистондаги 5 та вилоятининг ҳар бирда аппеляция комиссияси ташкил этилган давлат судларини тузиш, округ судларини назорат қилиш учун раис, ўринбосар ва учта суд аъзосидан иборат Олий суд палатаси очиш кераклиги ҳақидаги хулосага олиб келди. Волост сайловларида, муаллифнинг фикрича, 20 ёшга етган ҳар бир туркистонлик қатнашиши лозим.

Жадидларнинг диққат марказида яна мадаий мерос ва халқнинг ўз-ўзини англаш тўғрисидаги муҳим масалалар ҳам турган. Муҳиддин дарсаодат китобхонларга халқ қай даражада улкан маданий ва илмий меросга эга эканлигини эслатиб ўтган эди. Унга кўра, Фаробий, Ибн Сино, Улуғбеклар ҳақиқатдан ҳам Ўрта Осиёдаги ижтимоий ва илмий ислохатларнинг асосчиларидир. Унинг адолатли фикрича, бу мутафаккирларнинг асарларини ўрганиш ўлка тараққиётини ижобий томонга илгари суради, халқнинг миллий ўзлигини англашини юқори пағонага кўтаради. Шу орада, Птербургда ўтказилган Бутун Россия мусулмонлари съездида (1914), унинг маълумотларига қараганда, Туркистондан атиги иккита вакил иштирок этган. Бу салбий факт, - дейди

мақола муаллифи ва халқни ижтимоий онгдаги турғунликни енгиб, фаол ҳаракат қилишга чақиради¹.

Жадидлар тараққиётининг муҳим омилларидан ва миллий давлатчиликнинг белгиларидан бири деб, миллий матбуот ва халқ таълимини ривожлантиришни ҳам ҳисоблаганлар. Тож Ризобадли “Миллий матбуотсиз миллатнинг ўзи йўқ², - деб ёзганида, анча илгарига назар ташлаган эди. Аммо Туркистоннинг турғунлик, қолоқлик ва жаҳолат гирдобидан чиқиб кетишига нима ҳалақит берди? Тараққиёт сари қолоқликни ёриб ўтишига йўл бермаётган омиллар сабабини жадидлар нимада кўрдилар? Биринчи навбатда, гўёки шариат билан ҳимоялангандай туюловчи, бироқ аслида мусумон қонун-қоидаларига ёт, шунингсиз ҳам кишиларнинг енгил бўлмаган ҳаётини янада оғирлаштираётган кераксиз ва зарарли урф-одатларда. “Нима бизни кемираяпти ва орқага тортаяпти?”. Маҳмудхўжа Беҳбудий мана шундай савол қўяди ва дабдабали тўй ва дафн маросимларини назарда тутиб, бу саволга, бутунлай ортиқча расм-русумлар ва улрга кетадиган сарф-харажатлар, - деб жавоб беради. Қуръон ва ҳадисларга асосланиб у оилаларни хонавайрон бўлиш хавфини солувчи шу каби ҳодисаларнинг кераксизлигини тушунтиради. Ориқча тантаналарга сарфланган маблағлардан таълим соҳасида фойдаланиш зарур, мусулмонлар ўз тафаккурини қайта курашлари лозим, деган ғоя жадидларнинг ва ҳаракат раҳбари маърифатпарвар Беҳбудийнинг барча ишларида ўз аксини топган.

Жадидларнинг Туркистонни маданий ва иқтисодий ҳолатини баҳолаши, танқидий кўз билан қарши, уларни қуйдаги хулосага олиб келади: Туркистон – бу моҳиятан мустамлака ва Россия маъмуриятининг бошқарув тизими, миллий эҳтиёжига жавоб бермайди. Бу масалалар юқорида айтилгандек Феврал инқилоби арафасида, айниқса кескин

¹ Дарсаодат М. Жаҳолат меваси. // Садои Туркистон. 1914. № 30. 1-бет.

² Беҳбудий М. Бизни кемирувчи иллатлар. // Ойна. 1915. № 13. 338-342 бетлар.

фўйилган. Шу йилларда янги услубдаги дунёвий таъли, миллий ўзига хосликнинг энг яхши томонларини мустаҳкамлаш, маданиятни жорий этиш учун ҳаракат жадиदчиликнинг негизига қўйилган сиёсий мустақиллик демократик бошқарув шакллари учун кураш ғоялари билан бирга содир бўлди.

Жади́д ташкилотларининг мақсадлари кенгайиб, сиёсий тус олганлигининг сабаби иккита эди: биринчидан, 1914-1915 йилларда жади́дчилик бошидан бошидан кечирган инқироз – газеталар ва янги тус олган ва янги усул мактабларининг беркитилиши ҳоллари, ҳокимият жади́дларнинг билимсизлик ва ғафлатга қарши кураш фаолиятини кенгайтиришга йўл бермаслиги, шунингдек, бусиз жамиятда ҳеч қандай ўзгаришларга эришиббўлмаслигини кўрсатди. Иккинчидан, жади́дчилик ҳаракатига хорижда ўқиб, чет элдаги миллий тараққийпарвар ҳаракатлар тажрибасини ўрганиб қайтган, ёш куч оқимикелиб қўшилди. Улар маданийлаштириш доирасида чекланиб қолмаф, аниф сиёсий вазифалар қўйишни талаб қилдилар. Солиқларни камайтириш, амалдорлар зулмини чеклаш, деҳқонлар ҳаётини енгиллаштириш – шу талаблар жумласидан эди. Жади́длар бир-бирига зид бўлган икки оқимга – эскича фикрлайдиган ва Фитрат бошчилигидаги ёшларга ажиралди. Натижада, ўзаро келишмовчиликлар юзага келди. Бу ҳолат эса келишиб олинмаган ҳаракатларга сабаб бўлди. Натижада, амир манифестини қўллаш учун ўтказилган тинч намоёиш қувғин этилди ва жади́дларга қарши қатағонлар бошланди. Жади́длар кекса авлодлардан фарқ қилиб, очиқ чиқишлар тактикасини хато ҳисобламас эдилар. С.Айнийнинг фикрича, “Фитрат ва Ф.хўжаев бошчилигидаги сўл гуруҳ узоқни кўра олмаганлиги ва вазиятни нотўғри тушунганлиги туфайли жади́длар гуруҳи тор-мор этилди”. Шунитан олиш лозимки, ёш жади́дларнинг вакиллариға ҳурмат ва хайрхоҳлигимиз чексиз бўлса – да, кейинги йилларнинг тарихий воқеалари шуникўрсатадики, Абдулвоҳид Бурҳонов, Усмонхўжа Пўлатхўжаев,

Муҳиддин Рафоат, Муса Саиджонов, С.Айний ва бошқалар вазиятни тўғри баҳолаганлар, жадидлар аҳолининг асосий қисми ўртасида катта таъсирга ва кучга эга эмас эди. Омма руҳонийлар таъсири остида бўлиб, исталган вақтда унинг даъвати билан жадидларга қарши кўтарилиши мумкин эди. Шунинг учун улар ниҳоятда ўйланган, эҳтиёткорона ҳаракатлар, инқилобсиз, айниқса, қонли тўқнашувларсиз, аста-секин, босқичма-босқич ўтказиладиган ислохатлар тарафдори эди. Аслида, аввалги манифестация, кейин эса Колесов воқеалоарининг ташаббускорлари ҳам қуролли кўзғолонда кўкмайдиган, инқилобий кайфиятдаги сўл жадидлар эди. Бироқ бухороликлар қизиққон бўлсаларда, ташкилотнинг ажралибкетишига йўл қўймасликка ҳаракат қилдилар. Абдуллоҳид Бурхоновни ташкилот раисисифатида қолдирдилар. Улар 1917 йил мартидаги амир қатағонидан сўнг аҳвол кескин ўзгарганини яхши англаб етдилар. “Жадидчиликнинг ижтимоий базаси торайди, чунки савдогар вакиллари кетиб қолдилар ва уларнинг моддий ёрдами ҳам тўхтади...

Мулкдорлар курашдан четлашдилар. Сўл қанот марказий ўринни эгаллади. Ташкилотнинг бундан кейинги кенгайиши аҳолининг мулксиз табақалари ҳисобига борди... Ташкилот заифлашди, унинг жамиятга маънавий таъсири ҳам заифлашди” – де ёзган эди Ф. Хўжаев¹.

1910-1917 йилларда олиб борилган оғир меҳнат, сабот ва матонат натижасида жадидлар Ф. Хўжаев ибораси билан айтганда, “миллий инқилобни бошқаришга” қодир бўлган ёш бухороликларнинг сиёсий партиясига айланди.

Бу пайтд Ф. Хўжаев ва Фитрат амирни ағдариш инқилобни амалга оширишда партия советлар ёрдамидан фойдаланишга самимий ишонар эди. Бу масалада асосий ўринни РКП(б) тутгани. Ёш бухороликлар эса Бухорони босиб олишда уларга қўшимча восита бўлганлигини Ф. Хўжаев анча кеч тушунди. (164 бет)

¹ Ходжаев Ф. Материалы к истории. Ташкент. 1926. С. 17-6.

Бухородаги жади́дчи́лик ҳаракатидан Ёш бухороликлр партияси ўсиб чиққан бўлса худди шундай жараён Хивада 1914 йил августда такрорланди. Ёш хиваликлр партияси жади́дларнинг сўл оқимидан вужудга келган эди ва унинг Полвонниёз Ҳожи (Полёзхожи) Юсупов раҳбарлик қилди. Партиянинг эълон қилинган дастуридан Хивадан Конституцион монархия ўрнатиш, демократик тадбирларни амалга ошириш мўлжалланган эди.

1917 йил 5 апрелда Хива хони Асфандиёрхон ҳукумронлик даври: (1910 – 1918 йй) Ёш хиваликлр партияси йўлбошчилари тақдим этган манифестни имзолашга мажбур бўлди. Манифестда янги усул (жадид) мактаблари очилиши, мамлакатда темир йўл, почта ва телеграф қурилиши, давлат хазинаси нзорат остига олиниши, барча амалдорларнинг сайланиши ва мояна билан таъинланиши, бутун аҳолининг шариат олдида тенглиги таъкидланган эди. Ислоҳатларнинг амалга оширилишини назорат қилиш учун 49 вакилдан иборат идораи машрутия ташкил топди. 8 апрелдан малакатни бошқариш учун Хивада хон ҳузурида Мажлис (раиси – Б. Салимов⁰ ва Нозирлар кенгаши (раиси – Ҳусаинбек девонбеги Матмуродов⁰ тузилди. Бироқ Хива хони Асфандиёрхон асосан Ёш хиваликлрданиборат бу Мажлис ва Нозирлар Кенгашини тезда тарқатиб юборди, Идораи машрутияни тугатди¹.

1919 йилда Ёш хиваликлр партиясининг янги дастури қабул қилинди ва у 1920 йил 8 февралда Тошкентдаги “Известия” газетасида чоп қилинди. Хива инқилобий партиясининг яқин орадаги вазифалари деб номланган мазкур дастур 12 моддадан иборат манифест шаклида баён қилинган. Бу ҳужжат Ёш хиваликлр партиясининг демократик ислоҳатлар дастури эди. Дастурда Хивадаги хон ҳокимиятини тугатиш, хон ва хонзодалар, беклар ва вазирларга қарашли барча бойликларни халқ мулки дебэълон қилиш,

¹ Қаранг: Полвонниёз Ҳожи Юсупов. Ёш хиваликлр тарихи (хотиралар⁰. – урганч, “Хоразм”, 2000. 74-75 бетлар.

йирик мулкдорлар ерларини кабағал деҳқонлар бўлиббериш, ўқитувчи мактаблар очиш, йўллар ва кўприклар қуришга киришиш, мажбурий меҳнатнинг барча турларини бекор қилиш, хонлик тузуини ағдариб ташлаб, демократик халқ ҳокимияти – республикани барпо қилиш кўзда тутилган эди¹.

Хива ва Бухоро инқилоблари ягона сценарий асосида амалга оширилди ва хивлик жадиждларнинг қисмати ҳам Бухоро ва Туркистон жадиждларининг тақдири билан бир хил бўлди.

Ҳамма ҳаракатлар ҳам уларнинг йўлбошчилари хоҳлагандек тугавермйди. Биз уларнинг хатоларини санашдан йироқмиз, албатта. Бухоро жадиждчилигинингультираинқилобий йўлини танлаш ва большевик кучларига ишониб, улар бошқа яна тобе ва ярим мустамлака тузумга олиб келишини кўра олмаслик эди. Шунча куч-ғайрат, қон ва жонлар сарфланган ҳаракат ўз мақсадига эриша олмаганлигига фақат афсусланиш мумкин, лекин жадиждчилик ва унинг ғояси ўздаври тарихида феномен тарзида намоён бўлди.

Жадиждчилик ўзидаги қайси белгилар билан фавқулодда ҳодиса эди? Жадиждларнинг жамиятдаги инқироз ва мутаассибликни шу даражада аниқ кўришларига, диний, ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларга амалий ёндашишга нима ёрдам берди: биринчидан, унинг ноёблиги, аввало, унда ғоятда юқори даражадаги ақл-идрокли, ҳам Шарқ, ҳам Европа маданиятига хос билимларга эга бўлган зиёлилар жамланганлиги билан белгиланади. Ўтмишга назар солиб, уни ўрганиб, ўз даврини таҳлил қилган жадиждлар ўз Ватанинг келажаги лойиҳасини туза билдилар, унинг ривожланиш йўлларини режалаштиришдилар. Уларнинг барчаси олий диний таълим олганлари, Жомий, Навоий, Фузулий шеърляти, қадимги Шарқ мутафаккирларининг фалсафий асарлари руҳида тарбияланганлари ҳолда

¹ Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. Документы и материалы. Т. II. – Алма-ата, “Наука”, 1964. С. 499.

ўз билимларини чет эл маданияти, жумладан, ҳам Шарқ, ҳам Ғарб маданияти ютуқлари билан бойитдилар¹.

Ривожланган давлт қуршдаги ўз ғояларини амалга оширишда Туркистон, Бухоро ва Хива жадиidlари мутаасиблик, лоқайдлик, қолоқликка қарши курашга алоҳида аҳаият берганлар. Бу вазифаларни аалга оширишда улар тараққипарвар, билили ёшларга таянганлар. Улар ўз ишларида европадавлатлари тараққиётига қандай йўллар билан етиб келганларини акс эттириб, тархий мисоллар келтирганлар. Жадиidlар тил ўрганиш ва фан-техника тараққиётининг аҳамиятига алоҳида эътибор бериб, Туркистоннинг ўтмишдаги ҳамда замонавий ҳолатининг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда, унинг келажагини қуйдагича проҒраалаштирганлар: кучли дунёвий ҳокимият, хусусий мулкнинг дахлсизлиги, банк капиталининг эркинлиги тамойилларига асосланган озод, мустақил давлат куриш. Бу давлат исломга хурматини сақлаган ҳолда барча йўналишдаги маданиятларнинг эркин ривожланишига хайрхох бўлиши лозим эди. Жадиidlар халқнин маданият даражасини халқаро савияга кўтаришни орзу қилганлар, бунинг учун эса ёшларни Европанинг энг яхши ўқув масканларида ўқитишни зарур, деб ҳисоблаганлар. Улар давлат келажаги ёшлар қўлидалигини яхши англаганлар.

Уларнин фаолияти ва дастури келажак учун намуна бўлди. Жадиidlар тоонидан жамиятда пишиб етилган ижтимоий вазифаларни эволюцион-истилочиликтамойиллари асосида ҳал этиш ишлаб чиқилгани, уларнинг формацион-институционал ўзгартиршларни, мустамлака тузумни тубдан йўқотишнинг мақбул йўлларини танлай билганликлари, шубҳасиз уларнинг тарихий хизматларидир.

¹ Жадиidlарнинг аксарияти ўз билимларини чет элларда давом эттирдилар. Масалан, Исҳоқхон Ибрат Жидда, Истанбул, София, Афина, Римда яшаб-ўқиган. Ҳиндистонда ҳам узоқ яшаган. У француз, англиз, урду, форс, иврит, араб ва бошқа яна бир қатор тилларни ўрганган.

II БОБ. ТУРКИСТОНДА ХАЛҚ ХАРАКАТЛАРИ ВА ЖАДИД МАЪРИФАТЧИЛАРИНИНГ ҒОЯВИЙ РАҲНАМОЛАРИ.

2.1. ЖАДИДЛАРНИНГ 1916 ЙИЛГИ ХАЛҚ ҚЎЗҒОЛОНИГА МУНОСАБАТИ

Жадидчиликда тарих ва тарих таълими масаласи. Жадидларнинг 1916 йил халқ қўзғолонига муносабати.

Дунёнинг буюк мутафаккир файласуф олимлари доимо қизиқиб келган «Тарих Нима?» – деган илмий-назарий савол ечимига жадидларнинг қўшган ҳиссаси. М. Бехбудий, А. Абдурашидхонов, Нўширвон Ёвушев, Алихонтўра Соғиний, А. Фитрат ва бошқаларнинг тарих ҳақидаги фикрлари ва унга берган таъриф-тавсифлари.

М. Бехбудийнинг “Тарих ва жўғрофия”, “Тарихи ихтирои башар”, “Туркистон тарихи керак” (Ойна, 1914 йил, 38 сон), Н. Ёвушевнинг “Туркистон тарихи” (Садои Туркистон, 1914 йил 17-сон, 10-июн) номли мақолаларида Ватан, миллат тарихини яратиш ва уни мактабларда ўқитиш зарурияти, тарихнинг маънавиятдаги ўрни ҳақида айтилган фикрлар ва тарихга берилган таърифлар.

Бехбудий: “Тарих кўп аҳамиятли ва фойдали бир нарсадур. Тарихнинг фойдаларидан баъзиси угбудурки, бир миллатнинг на тариқада, қайси йўл ила тараққий этганин ўқиб, ибрат олмоқ ёки бир миллатнинг на сабабларидан таназзул этиб, охири мунқариз бўлиб кетганин қўйиб мундан ҳам истифода этмак мумкиндир”.

Н. Ёвушев: «Тарих ўқимағонликдан келган зарарлар санабгина битурлик эмас: ўз миллий тарихини билмаган миллат ўз отасини билмаган, “ў” дан туғилган бир болаға ўхшайдир”. “Тарих миллатнинг жони-руҳи ва маънавий ҳаётидир”.

Жадидлар томонидан тарихда биринчи маротаба тарих илми халқ маорифи таълими тизимидаги асосий Фан сифаида жадид мактабларида ўқитилиши, илк бор тариздан мактаб дарсликларининг пайдо бўлиши. М.

Беҳбудийнинг “Тарихи ислом” (1909) дарслиги. А. Фитратнинг “Мухтасар ислом тарихи” (1925) ва “Нажот йўли” (Раҳбари Нажот, 1914), Исҳоқхон Ибратнинг “Тарихи Фарғона”, “Тарихи маданият” асарлари ва бошқалар.

Жадидларнинг тарихни сохталаштиришга қарши, тарихни тўғри ва ҳаққоний ёзиш ҳамда тарих фани метадологиясига оид фиклари. М. Беҳбудийнинг «Хайрул умури афсатухо» (Ҳар бир ишнинг ўрта миёнаси дуруст) номли мақоласи.

Туркистон мустақиллиги учун олиб борилган курашларнинг дастлабки энг йирик тўлқини – 1916 йил қўзғолони эди. Россия империясининг мустамлакачилик истибдодига қарши Туркистон халқларининг энг кескин ва оммавий қарашларига бўлган бу қўзғолонда, қарийиб ярим аср мобайнида эзилиб, хўрланиб, таҳқирланиб келган аҳоли қудратли тўфондек кўтарилиб, бутун ўлкани ларзага келтиради. Мустамлака кишанлари исканжасида тинимсиз меҳнат, очлик қашшоқлик азобида эзилиб келган халқ бор кучини тўплаб қўзғалди. Бутун Туркистонни қамраб олиб, мустамлакачиларни дахшатга солган уларни илдизига болта урган бу қўзғолон халқ қудратини, уни нималарга қодир эканлигини намаён этди. Энг чекка қишлоқларда камида 400-500, йирик шаҳарларда эса 2500-5000 кишилик оммавий ғаллаёнларга уюшган халқ қаршилиги мустабид ҳукуматни ларзага солиб саросимада қолдирди. Туркистонни бир неча ҳафта давомида идора этиш қодир бўлмай қолган мустабид ҳукумат ўлкада ўз ҳукумронлигини сақлаб қолиши учун бу қўзғолонни бостиришга жуда катта ҳарбий кучларни жалб этди.

Ўлкада ҳарбий ҳолат яъни уриш даврида жорий этиладиган ҳолат эълон қилинди.

Дарҳақиқат, бу мустабид ҳукуматга қарши қаратилган, йиллар давомида етилиб келган ва тўсатдан бошланган халқ уруши эди.

Россия императорининг Туркистондаги 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркак аҳлини фронт орти ниҳояларида мудофаа иншоатлари куриш

ишларига ёппасига сафарбар этиш ҳақидаги 1916йил 25 июн фармони ижросига қаршилик сифатида бошланиб, оммавий халқ урушига айланган бу қўзғолонда мазлум ва зўравонлигидан қутилиш, унга чек қўйиш мақсадини қўзлаганлиги шубҳасиз.

Лекин сиёсий ва марказлашган раҳбарликсиз бошланиб, ниҳоятда тарқоқ, аммо оммавий тарзда кечган бу қўзғолон кучлар нисбатини тенг бўлмаганлиги туфайли шавқатсизлик билан бостирилди. Қўзғолон кўтарган халқдан эса шавқатсиз ўч олнди.

1916 йил 17 августда Самарқандга Россия Давлат Думаси аъзоси Қутлуғ – Муҳаммад Ботир – гараев – Тавкелев, 22 августда эса Дума аъзоси Александр Федорович Керенский ташриф буюрадилар. Депутатлар М. Чўқаев ҳамкорлигида (у таржимон ҳам эди) 23 августда Андижонда, 25 августда Қўқонда, 26 августда Тошкентда бўлиб, маҳаллий аҳоли билан юзма-юз полиция маъмурияти вакиллари иштирокисиз учрашиб суҳбатлашдилар¹.

Бундай вазиятда, 1916 йил воқеаларининг сабаб ва оқибатлари ҳақидаги ҳаққоний маълумотларни аниқлаш амри маҳол эди, албатта бундай маълумотларнинг Дума мажлисида ёпиқ тарзда бўлсада этироф этилиб, эълон қилиниши ҳамда унинг ёзма баёнатининг сақланиб қолиши эса жаидларнинг хизмати бўлиб ҳақиқий аҳволни аниқлашда жуда катта аҳамият касб этади.

Мухим тарихий манба сифатида баҳоланишга лойиқ ушбу ёзма баёнотнинг маълум бўлишича, Дума депутатлари жаидлар саъйи-ҳаракати ва раҳбарлигида халқ ҳамда унинг вакиллари билан бўлган учрашувларда мустабид маъмуриятининг порахўрлигини, мардикорликка сафарбар этиш ҳақидаги император фармонининг ноқонуний асосда қабул қилинганлигини, унинг ижроси ўлка аҳолиси учун жуда оғир иқтисодий ва моддий қийинчиликлар туғдиришини аниқ мисолларда баён этганлар.

¹ ЎЗР МДА ТГГМ фонди, 31-рўйхат, 1139 йиғма жилд, 1-саҳифа.

Қўзғолон кўтарган халқ ҳукумат қўшинлари томонидан шавқатсиз бостирилиб, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражада вахшийлик билан жазоланганлигини Жиззах ва Еттисувдаги аҳвол мисолида таърифлаб берганлар. Жиззах аҳолиси ва халқ вакиллари, зиёлилар билан бўлган суҳбатларда аниқланган маълумотларга асосланиб, бу ҳақда депутат А.Ф.Керенский қуйдагиларни қайд этган: “...Жиззахда ғалаёнлар рўй берганда бу ерга пиёда, артилерия, кавалериялардан иборат жазо отрядлари юборилди ва уларга йўлда учраган маҳаллий аҳолини қириб ташлаш буюрилди... Мен Жиззахда аввал ҳам бўлганман. Унинг вайронларини ҳам бориб кўрдим... Мен, жаноблар икки фронтда – ғарбий фронт ва Кавказ фронтларида бўлганман, лекин бунақасини кўрмаганлигини айтади. Депутатлар нутқида қайд этилган мустабид ҳукумат вахшийлиги ҳақида фактлар ҳукмрон миллат вакиллари ҳам даҳшатга солган мажлис баёнида қайд этилган лўқмалардан маълум бўлди. Оддий инсоният ҳис-туйғудан маҳрум бўлмаган ҳар қандай шахсни (миллати, маслагидан қатъий назар) ларзага солувчи бу вахшийликларни бевосита бошидан кечирган мазлум халқ аجدодларимизнинг фўжеали аҳволини тасаввур этиш қийин эмас.

Ана шундай оғир ва фўжеали дамларда халқ билан бирга бўлган, унинг манфаатларини ҳимоя қилган фидойи кишилар орасида тараққийпарварлари алоҳида ажралиб турганлар. Шу пайтга қадар, халқни маърифат орқали уйғотиш, тарбиялаш, тараққиётга етаклаш мақсадида фаол саъи-ҳаракатлар олиб борган жадидлар 1916 йил қўзғолони мисолида халқ қудратини, унинг иродасини ва кураш лаёқатини англаб етиши билан бирга бу халқни озодликка олиб чиқиш, хурриятга эришиши учун курашиш зарурлигини тушиниб етганлар. 1916 йил қўзғолонидан кейин бир неча ой ўтгач, Мунавварқори Абдурашидхоновнинг ушбу тарихий воқеага бағишлаб матбуотда чоп этилган мақоласида “Ҳақ олинур, ...курашиб, қон тўкиб олинур ...” деган хулосага келди, хуррият озодлик ва

миллий ҳуқуқлар учун курашиш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, жаидлар хуриятга эришиш учун халқнинг сиёсий жихатдан тарбиялаш ва миллий истиқлол учун кураш йўлида уюштириши зарурлигини ҳам чуқур англаб етганлар. Туркистонда 1917 йилдан бошлаб кескин ривожланиб кетган ижтимоий сиёсий жараёнлар, курашлар тўлқинида товланиб борган жаидларнинг янги мустабид тузум – совет ҳокимиятига қарши ўлкада олиб борилган курашлардаги ўрни ва роли, уларнинг бу йўлидаги фаолияти айнан шу мақсадларга бўсундирилган эди.

Низомда ташкилотга қандай кишилар қабул қилиниши аниқ кўрсатилган. Масалан, Шўро ташкилотларида маъсул ва номаъсул лавозимларда ишловчи, судланмаган сиёсий махбуслиқдан истисно кишилар ҳамда партия аъзолари:

- Бошланғич ва ўрта мактаб, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари агар уларнинг номзодини кўпчилик ташкилот аъзолари қўллаб-қувватласа;
- Олий ўқув юртларининг маълум шароитида (миллий руҳда – С.Х). тарбияланган;
- Мутахассислар;
- Адабиётшунос, шоир ва ёзувчиларнинг маълум қисми;
- Завод, фабрика ва матбаа ишчиларидан саводли тарғиботчи ва ташкилотчилар;
- Дехқонлардан: онгли ва аҳоли орасида обрўга эга бўлган кишилар қобилиятли тарғиботчи ва ташкилотчилар;
- Ҳарбий қисмлардан: миллий армияда хизмат қилган, у ёки бу даражадаги саводли шахслар, миллий командирлар;
- Хунармандлар, ва армияда хизмат қилганлар;

Низомда яна ҳар бир аъзо ташкилотининг қуйдаги талабларига садоқат ила берилган бўлиши ҳам кўрсатилган.

-аъзоликка қабул қилинаётган кишига нисбатан бирорта ҳам аъзо бефарқ бўлмаслиги;

-Ташкилот аъзоси қаерда ишлашидан қатъи назар атрофдагилар ўртасида намуна бўлмоғи зарур;

- ташкилот аъзоси унга топширилган вазифани ҳар қандай пайтда бажариш қобилиятига эга бўлмоғи;

- ташкилот аъзоси ичимлик ичмаслиги ва “гап” ларда ўзини тута олиши назарда тутилган.

Бу ҳужжатда ташкилотнинг низоми ва дастурини бузган ва уларга очикдан-очик қарши чиққан аъзоларга нисбатан қўлланиладиган чораларнинг тартиби ҳам кўрсатилган.

Қоидани тушунмасликдан бузганлар ташкилот йиғилишида кечирим сўраганидан сўнг қатъий огохлантирилиши кўрсатилган. Шундан сўнг агар иккинчи марта қайтарилса ёки онгини онгли равишда хато қилиб, хоинлик қилганлар махсус тузилган “учлик” комиссиясида муҳокама қилиниши белгиланган.

Маҳфий ташкилот – “миллий истиқлол” 1929 йил октябрнинг 12 йиллик байрами арафасида ОГПУ томонидан фош этилди. 6 ноябрда 26 киши, кейинроқ, жами 87 киши қўлга олиниб, роса бир йилу беш ой олдин Тошкент, кейин Москва авахтаҳоналарида қаттиқ азоб билан тергов қилинди. Нихоят, 1931 йил 23 апрелда уларнинг устидан СССР Бирлашган Бош Сиёсий Бошқармаси (ОГПУ) нинг судлов комиссияси “олий ҳукм” чиқаради. Бунинг учун бор йўғи бир неча дақиқа вақт сарфланади. Айзентерг деган ватандошимизнинг ўзлари маъруза ўқида. Шу коллегияда 19 киши ватандошимизнинг “жинойи иши” тўғрисида ҳам у маъруза қилди. Уларга ҳам тегишли “олий жазо” белгиланди. Коллегия “миллий истиқлол иши бўйича айбланганларнинг 15 таси отув, 6 тасига 10 йиллик концлагерларга алмаштириш шарти билан отув, 25 тасига 10 йиллик, 21 тасига 5 йиллик концлагерларга юбориш, 3 тасига СССР нинг 12 та

белгиланган шаҳарларида яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда жазодан озод қилиниши ҳақида қарор қабул қилди.

Фақат биргина киши у ҳам бўлса сиёсий бошқарманинг айғоқчиси, халқ хоини Мухиддин Солихович Мухаммедовга очилган тергов иши тўхтатилиб, қамоқдан озод қилинди. Чунки унинг ОГПУ олдида “хизматлари” катта эди у жаидчиликка ва эликка яқин ўз ўқитувчилари қариндош-уруғлари бирга ўқиган ва бир хонадонда яшаган дўстларига сиёсий баҳо бериб уларни сотган эди. У Ўрта Осиё Давлат Университети шарқ факультетининг 3-курс талабаси бўлган. Бу пайтда 19 ёшда бўлиб, Елдириш тахаллуси билан шоир бўлиш орзусида шеърлар ҳам ёзиб турган. Унинг сиёсий бошқармага ёзган хатларидан айрим кўчирмаларни келтирамиз: “Агар жаидларнинг ҳозирги мафкурасига назар солсак улар совет ҳокимиятининг ашаддий душмани эканликларини, бу ҳокимият қачон қўлларнинг озодликка чиқиши мумкин деб, интиқ бўлаётганларини осонгина билиб оламиз.

Улар совет ҳокимиятининг (чет) душманлари билан бир сафдадилар ва бу ҳокимиятни тугатишда иштирок этиш ниятлари бор. Душман ҳох ичдан, ҳох ташқаридан қачон бу ҳокимиятга қарши ҳаракат бошлайди-ю, қачон бу кураш авжга минади. – Улар шу нарсани кутмоқдалар”.

Хулосанинг асл маъноси шуки, ҳамфирқа зўравонлик асосида давлат тўнтаришини ясаб, ҳокимиятни қўлга олиши биланоқ халқимиз хохиш-иродасига қарши “онангдан, отангдан топасан”, “Ўтмиш тарихнинг, ўзлигини, тилинг ва дининг диёнатидан топасан” деган мустамлакачилик сиёсатини олиб борди.

Бу катта сиёсатнинг мазмун ва моҳияти ватанпарварларни беайб қамаш, қириш, таъқиб, гуноҳкорлар ва “халқ душмани” қилишдан иборат бўлади. Бунинг учун уларга маҳаллий халқ учун еттиёт бегона бўлган, манфур сиёсий кураш ва социалистик инқилоб назарияси ва коммунизм қуриш ғояси асосий қурол вазифасини ўтади.

Коммунистик босқичлар бу хомхаёл, утопик “ғоя” ва “назария”ларни сиртдан олиб кириб, маҳаллий шарт-шароит, миллий хусусиятларни ҳисобга олмай, ҳаётга тадбиқ қилиш учун алдов, фирибгарлик, икки юзламачилик, қатағонлик ва сунъий очарчиликдан усталик билан фойдаланди¹. Жадидлар ўз мақсадларига анча вақт ўтиб эришган бўлсаларда аммо уларнинг меҳнатларининг ҳосилини бугунги кунимизнинг порлоқ ёшларидан олишимиз мумкин. Шўро ҳукуматининг асосий мақсади – бўйсунмас халқни бўйсундириш, тобе ва қарам қилиш, унинг миллий руҳи, ҳис-туйғуси, ғурури ва иродасини синдириш, ўзлигини ажратиш бўлди. Улар ўз даврида бу мақсадга эришган бўлсаларда аммо кейинчалик у қийматсизланиб борди ва кўпгина СССР давлатлари ўзларини мустақил деб атай бошладилар.

1916 йилдаги халқ кўзғолони ва жадидларнинг унга бўлган муносабати. У. Асадуллахўжаев (раис), М. Абдурашидхонов (муовин), Қудратиллабек Асадуллабоев котиблигида мардикорларни уюшган ҳолда Россияга жўнатувчи махсус қўмита тузилиши (1916 йил 25 август), бундай қўмиталар ўлканинг бошқа йирик шаҳарларида ҳам ташкил топди ва аҳолини асосан эркакларни 19 ёшдан 43 ёшгача мардикорликка олиниши уларнинг Россияга жўнатилиши аҳоли ўртасида кучли норозиликкелиб чиқишига сабаб бўлди.

Жадидлар ташаббуси билан махсус гуруҳ (Вадим Чайкин ва У. Асадуллахўжаев) томонидан Россиянинг IV Давлат Думасида кўзғолон кўтарган халқ манфаатининг ҳимоя қилиниши, Николай II эса мардикорликка олиш муддатини 15 сентябргача кечиктиришга мажбур бўлиши. Туркистонга кўзғолончилар шикоятини текширтириш учун Давлат Думаси комиссияси (Керенский ва Тавкелов) келди.

Халқ вакилларининг 14 мартда биринчи мажлиси бўлиб, унда вакиллар сони татар ва қозоқлар ҳисобига 48 тадан 61 тага кўпайтирилди,

¹ Ўзбегим. “Звезда Востока” журнали кутубхонаси. – Т. 1992. 171-бет.

унинг асосида эса маҳаллий-миллий бошқарувнинг янги шакли – “Шўрои Исломия” ташкил топди. Бу мажлисда халқ вакиллари ўз орасидан 15 кишидан иборат “Шўрои Исломия” бошқаруви сайланди. Унинг аъзолари: Абдувоҳид қори Абдурауф қори ўғли, М. Абдурашидхонов, Каттахўжа Бобохўжа ўғли, Мулла Исо Охунд Йўлдошхўжа ўғли, Абдусами қори Ходоятбой ўғли, Убайдуллахўжа Асадуллахўжа ўғли ва бошқалар бўлганлиги, Туркистон халқларининг сиёсий фаолигини янада оширди.

“Шўрои Исломия”нинг Муваққат Низомининг қабул қилиниши. Низомда Туркистоннинг барча шаҳар ва қишлоқларида “Шўрои Исломия”нинг шўбаларини ташкил этиш лозимлиги ва Тошкентдаги «Шўрои Исломия» уларнинг маркази бўлиши белгилаб қўйилган эди. Унда сиёсий демократик бошқарув, миллий ҳукумат, ижтимоий ислохотлар, умуммусулмон бирлиги, Таъсис мажлисига тайёргарлик масалалари, шунингдек, миллат манфаати, кадр – қимматини ҳимоя қилишга оид бошқа масалалар ўз аксини топди.

“Шўрои Исломия”нинг таркиби асосан мусулмон зиёлилари, жадидлар ва диний уламолардан иборат бўлгани. “Шўрои Исломия”нинг Ўш, Адижон, Фарғона (Скобелев), Туркистон, Мари, Намаган, Қўқон, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда шўбалари ташкил топди. “Шўрои Исломия” жадидларнинг бош шиори – “Озодлик, тенглик ва адолат” га амал қилиши, миллий ҳокимият масаласини оммага ёйиш эди.

“Шўрои исломия” ташаббуси билан чақирилган мусулмонларнинг I Бутунтуркистон қурултойи (1917 йил 16-23 апрел) бўлди. Унда Таъсис мажлисига тайёргарлик, маҳаллий фуқаролар муассасалари, диний муассасалар, мактаб ва мадрасалар, вақф, молия ишлари, ислом диний бошқарувининг ташкил этиш, озиқ-овқат, урушга муносабат ва Россиядаги мардикорлар, «шўрои Исломия»нинг ижроия қўмиталарига муносабати, Россия умуммусулмонлар съездига делегатлар сайлаш, ер тўғрисидаги масалалар муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қурултойда Туркистон ўлкаси мусулмонларнинг марказий Шўроси (ўлкамусшўро)нинг ташкил топди. Унинг 1917 йил 12 июндаги мажлисида Низоми қабул қилинди. Бу низомга асосан ўлкадаги барча мусулмон ижтимоий-сиёсий ташкилотлари (“Равноқ ул-ислом”, “Мирваж ул-ислом”, “Муаллимлар жамияти”, “Талабалар жамияти”) волост мусулмон депутатлари, уезд ва шаҳар Шўроларига бирлаштирилиб, ўлка мусулмон шўрога буйсундирилди. Қурултойда кўрилган асосий масала маҳалий ҳокимият масаласи эди. Туркистонда Россиядаги каби икки ҳокимият эмас, балки уч ҳокимиятчилик пайдо бўлди.

Россия ва Туркистондаги ички демократик ҳаракат ривожланишига хиёнаткорона равишда большевиклар томонидан қуролли кўзғолон уюштирилиб, ҳокимият кўлга олинди. Рус ишчи, аскар ва деҳқон депутатларининг III қурултойи чақирилди (1917 йил 15 – 22 ноябр), 114 делегат томонидан мустамлака ҳарбий совет ҳукумати – Халқ Комиссарлари совети сайланди. Унга бирорта ҳам мусулмон вакиллари киритилмаган эди. Бундан кўриниб турибдики большевиклар ҳокимиятнинг кўлга олишга ҳаракат қилган эдилар.

“Шўрои Исломия” ташаббуси билан Қўқонда чақирилган мусулмонларнинг IV ғавқулодда қурултойи (1917 йил 26 – 29 ноябр) ва унда миллий Муваққат ҳукумат – Туркистон мухторияти ташкил топди. Аввал чиқаётган “Улуғ Туркистон” газетаси ҳам ўз саҳифаларида Мухторият Ҳукумати фаолиятига алоҳида ўрин бериб борди. Фитрат, Чўлпон, Ҳамза Мухторият ҳукуматини алқаб ўтли шеърлар битишди. Фитрат Мухторият эълон қилинган кунни лайлатул қадр кечаси деб атаган эди. Унинг таркиби демократик, умумиллий мазмунга эга бўлганлиги. Миллий давлатчиликка асос солинишига имкон берди.

Туркистон мухторияти большевиклар ҳокимияти – совет ҳукумати томонидан қонга ботирилди ва мухторият тугатилди. Туркистонда большевик мустамлакаси қарор топди.

Жадидчилик ҳаракатининг совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида қўлга киритган ютуқларидан бири, ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетига асос солиниши бўлганлиги. Бу университет 1918 йил 12 майда жадидларнинг ғоявий раҳбари Мунавварқори Абдурашидхонов ташаббуси билан Туркистон халқ миллий дорилфунуни сифатида фаолият бошлаган эди.

Орадан 82 йил вақт ўтгач мустақиллик шарофати билан 2000 йил 28 – январда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов томонидан “Тошкент Давлат университети” “Ўзбекистон Миллий университети” .мақоми берилди.

Жадидларнинг совет давридаги фаолияти ва тақдирини тарихий манбалар асосида ўрганар эканмиз, Туркистонда ташкил топган совет ҳукумати таркибига маҳаллий миллат вакиллари киритилмаганлигини кўрамиз. Бунинг сабабини эса совет ҳукуматини ташкил этган рус ишчи, аскар ва деҳқон депутатларининг III қурултойи қарорида “ҳозирги пайтда маҳаллий аҳолининг Аскар ва деҳқон депутатлари ҳокимиятига муносабатининг тўлиқ ноаниқлиги маҳаллий аҳоли орасида пролетар синфи ташкилотлари йўқлиги” да деб кўрсатилганлигини тарихи манбаларда ўқиб ўрганамиз.

Жадидлардагина эмас, балки бутун маҳаллий халқ орасида ҳам совет ҳукуматига қарши норозиликнинг кучайиши. М. Чўқаевнинг «Туркистон шўролар ҳокимияти остида» номли хотира асарида тахлил қилинган ва ёритиб берилганлигини кўрамиз.

Туркистон мухторияти тор-мор этилиши ва коммунистик мустамлакачилигининг мустаҳкамланиши билан жадидлар орасида ажралиш юз берган эди. Жадидларнинг бир гуруҳи хорижга кетишга, иккинчи гуруҳи эса, совет ҳукуматига қарши бошланган “босмачилик уруши” га қўшилишга мажбур бўлган бўлса, Мунавварқори бошчилигидаги учинчи гуруҳнинг тинч демократик ҳамда махфий кураш

усулларини ўзларига маъқул йўл деб танлаган эди. Яна бир гуруҳи эса маориф соҳасидаги ишларни давом эттирди. Коммунистик мафкура ва совет сиёсатига қарши ошкора мухолифатлик (альтернатив) ва демократик танқид ҳамда миллий руҳ тарбияси учун кураш олиб борган жаид ва жаидлар таъсирида бўлган сиёсий, маданий – маърифий ташкилотлар ва унинг конференциялари 1922 – 1924 тарихий манбаларда келтирилган. Мусулмон коммунистик ташкилоти ва унинг конференциялари (1918-1920 бўлган эди); Бирлик, 1919 - 1920 РКП (б) нинг Туркистондаги мусулмон бюроси (Мусбюро) ва унинг конференциялари 1919 - 1920. Шарқ халқларининг конференциялари Бокуда бўлиб ўтиши. 1920 йил – 1-7 сентябр “18 лар гуруҳи” 1925 йилда “Иноғомовчилар” 1926 “Қосимовчилар” 1920 ҳаракати жаидлар ҳаётида туб бурулиш нуқтаси десак бўлади.

2. 2. ЖАДИДЛАРНИНГ МУСТАМЛАКА СОВЕТ ТУЗУМИ ДАВРИДАГИ ФАОЛИЯТИ ВА ТАҚДИРИ.

XIX асрнинг охирлари ва XX аср бошларида Туркистонда энг илғор фикрлаш зиёлилар онгида пайдо бўлган миллий уйғониш маърифатчиликларида яққол намоён бўлди. Янгича маърифатчиликнинг илк жарчилари бўлган жадидлар кенг миқёсида амалий фаолиятлари билан ўз ғояларининг жамият ҳаётида мустаҳкамлаб барқарор бўлиши охир пироварида миллий озодлик, сиёсий мустақиллик курашларига ўсиб ўтиши учун замин ярата бошладилар. Бу давр Туркистонда ижтимоий-сиёсий тафаккур ривожига янги босқич эди.

Мадани-маърифий ислохотларнинг ибтидосида албатта мактаб маориф ишлари туради. Ўша кезларда Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона водийси шаҳарларида ўйнаб “усули жадид” мактаблари очилди. Унинг ташкилотчилари татр маърифатпарварлари билан бирга, ерли зиёлилардан Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдуходик Шукурий, Сиддикий Ажзий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Ашурали Зоҳирий, Абдурауф Фитрат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний, Абдуваҳоб Ибодий. Саодризо Ализода каби ўнлаб атоқли зотлар бўлди.

Янги усул мактаблар Туркистонда жадид маърифатчилигининг илк кўриниши бўлиши билан бирга, то мазкур ҳаракат соф сиёсий қиёфа касб этгунга қадар ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади.

Мактаб маориф ишлари билан бир қаторда жадид маърифатчилигининг яна бир ёрқин ифодаси бўлиб, илк ўзбек миллий матбуоти, биров ўтиб турли маърифий жамиятлар пайдо бўла бошлади. Жамиятлар бевосита маърифатчиликнинг ҳам мънавий, ҳа моддий давомийлигини таъминлашни вазифа этиб белгиланган эди. Тижоратва бошқа маблағманбаларини яратиб, жадид мактаблари тўхтаб қолмаслиги,

газеталарнинг мунтазам чиқиб туриши, алоҳида итеъдод кўрсатган маҳаллий болаларни хорижга тахсил олиш учун юбориш каби эзгу ишлар жамиятларнинг асосий мақсади эди. Анашу мақсад йўлидаги яна бир восита бу – театр эди.

Театр жадиidlар наслида “Улуғлар мактаби”, “ибратхона” бўлиб худди мактаб ва матбуот каби маърифат, илк ғоясини тарғиб этиши кўзда тутилган эди. Иккинчидан эса, маърифий ва кўнгилочар томошалар орқали маблағ топиб, маориф матбуот эhtiёжларига сарфламоқ кўзланган эди. Туркистонга театр Озорбайжон, рус, сайёр театр жамоаларининг кириб келиши овропача ўзбек миллий театрсанаътининг туғилишига туртки берди.

Туркистоннинг аср бошлари матбуотида овропача театр санаътининг тури бизда, 1913 йил расман шаклланмасдан бироз илгарироқ бошланганига оид далиллар учрайди. Ўзбек янги театри тарихини махсус ўрганган Б.О.Песторовский “Инқилоб” журналининг бир неча сонларида эълон қилинган катта мақоласида “қоракўл” шаҳрига яқин бир қишлоқда 1909 йилда “ўзбек театр ўйналди” деган хабар борганлигига қайд этган эди. “Туркистон вилояти газетасининг” 1910 йил январ сонларидан бирида эса тез фурсатда Тошкент шаҳрига театр, янги “Муқаллид” ўйинини ўйнататурғон мусулмон жамият (труппа) очилур эмиш...

Ул жамият мусулмон замонида “муқалид” унар экакнлар” деган хабар босилди. Бу хабардан беш-олти кун ўтиб яна шу газетада ерли татар ҳаваскорлари доимий театр труппаси тузгани ҳақида ҳам кичик ахборот берилган. Балки аввалги хабарда “мусулмон жамият” деганда мазкур татар ҳаваскорлар назарда тутилгандир? Агар “Ойина” журналидаги “Доҳилия хабарлари” деб номланган рукнин кўздан кечирсак, театр ё концерт томошалари ҳақидаги хабарларда маҳаллий ҳаваскорлар театр билан ҳамкорликдаспектакллар қўйгани, аксарият миллий пьесалардан сўнг театр

пьесалари ўйналгани, ҳар бир спектаклда татар ва ўзбек актёрларининг бирлашиб иштирок этганидан огоҳ бўламиз.

Умаман театр, масаласига эътибор 10-йилларда жуда кучли бўлган. Чор ҳукуматиинг Туркистон ўлкасидаги расмий нашри афкори ҳисобланади. Ойина журнали 1913 йилги 8-сониди “Овропа театри” номли мақола эълон қилиниб унда ғарбдаги йирик мамлакатлар театрлари, уларнинг миқдори ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Маданий тараққиёти юксак бўлган Англия, Италия, Испания, Франция, Германия каби давлатларда юзлаб театр томошахоналари борлиги, булар ёнида эндиликда синематурғонит ҳам пайдо бўлиб ривожланаётгани айтилади. Бундай мақолалар маҳаллий зиёлиларни театрчилик ҳаракатига даъват қилса авомни шунда маданий ўчоғларидан баҳраманд бўлишга тарғиб этар эди.

1991 йилда М.Бехбудийнинг ”Падаркуш ёхуд ўқимаган боланинг холи” номли “3 парда 4 манзарали миллий фожиа” сени ёзди. Асарни чоп қилиш хусусидаги уринишлар икки йилгача муваффақиятсиз кечди. Фақат пьесани 1917 йили рус – француз мухорабасининг Бородино майдонидаги руслар ғалабаси билан якунланиши, 100 йиллигига бағишлаб, Тифлисидаги цензорага юборилиши нашр учун имкон берди. Матбуот ишлари Тифлис қўмитаси цензори рухсати билан кавказ ўлкаси сахналарида қўйиш мумкин деган 1913 йил Самарқандда алоҳида китоб холида нашр этилган эди.

Падаркушнинг илк сахна муофиқияти Самарқанд театр хаваскорларининг ижодий жипслашуви ва труппа шаклида ўз фаолиятларини янада ривожлантиришларини истаган холда мадад беради. Труппанинг Туркистон шаҳарларидаги гастроллари ҳам уларни театрчилик билан мунтаза шуғулланишларига имкон беради.

1913 йил декабрдан бошлаб Тошкентда ҳам Падаркушни сахнага қўйиш учун хозирлик кетди. Бу тўғрисида Тошкент жадид муаллифлари

актив рол ўфнайдилар. Жумладан, профессор Абдулла Авлониё актив бўйича Муҳаммаджон қори, Низомхўжаев, Шокир Раҳимий ва бошқалар жиддий киришадилар.

Профессор Авлониё актив бўйича ҳозирлик кўрарвақтида Тошкент хаваскорларига Муҳаммадёрв номли татар зиёли режиссёрлик вазифасини кўра бошлайди. Лекин ҳозирликнинг бориши яхши бормай, театр қўйилиши судралиб кетди. 1914 йилнинг феврал ойида Алиасқар Асқаров Самарқанддан келиб Тошкент хаваскорларига ўзини танита олади ва режиссёрлик вазфаси унга топширилади. Бунинг билан оз кунда ҳозирлик битиб, 1914 февралда “Падаркуш” пьесаси – озорча “Хур – хур” комедияси билан биргаликда сахнага қўйилмоқчи бўлади. Демак режиссёрнинг онгсизлиги спектаклни самарқандликлар билан бирга ёки улардан аввалроқ чиқариш имконини бермаган. Алиасқаров Асқарнинг Самарқандда спектакль пастановкасини якунланишини кутишга мажбур бўлган. Шу тахлид илк миллий сахна асари янгича миллий театрнинг туғилишини белгилагандек, ўз навбатида театр ҳам драматургиямизнинг шаккланиб равнақ топишида ғоят муҳим бир манба вазифасини ўтади.

Театр драматургия жаддчилк ҳарактининг ва жадид адабиётининг бағоятмуҳим жабхаларидан бўлгани учун ҳаракатнинг маърафий йўналиши билан театр ривожланиб борди.

Янги услуб сифатида Абдурауф Фитрат биринчи бўлиб критек текст (яъни бир неча нусха таққосланган) матн тузишни илмий масала даражасида бошлади. Бу масала Жомийнинг мусиқавий рисоласидан фойдаланиш билан юзага келди.

Профессор Фитратнинг бу китоб мусиқага оид ягона китоб бўлиб қолмаслиги керак эди. Умуман, унинг миллий меросига разм солсак, йири-йирик муамолатга бағишлаб икки тилда ёзар эди. Аруз ҳақидаги шеър ва тадқиқотлар бунинг ёрқин далили ҳисобланади. Шеърлар, драмалар ҳам икки тилда яън профессор А.Фитратнинг яратган асарлари нашриётдан

чиқарилиб яхлит китоб ҳолатига келтирилмасдан қўшиқ қилиб қуйланар эди.

Хатто бир гўзалга бағишланган дардли икки шеър бири ўзбекча, иккинчиси тожикча ёзилган эди!¹

Инқилобдан олдинги жадидиат оқими даврида ёзилган энг долзарб муаммоларга бағишланган публистикасарлар ҳам икки тилда ифода этган. Бунга “Ойина” журналининг 1913-1914 йиллардаги сонлари гувоҳдир. Фитратнинг Стамбулдан юборилган ҳамма мақолалари ўзбек тилида эмас аксинча тожик тилида ёзилган эди.

Шунда қилиб, А.Фитратнинг “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” рисоласи бир минг саналик тарихни янги XX аср даври билан туташ этган “кўприк” дейиш мумкин. Фитратхатто биринчи операсига либретто ҳам ёзган эди. Бу ҳақда бухоролик фитратшунос Б.Эргашев бизга шахсий мактубда лутфан билдиради.

“Қизил Ўзбекистон” газетаси 1937 йил 6 октябрдаги сониди Шербек Алиев ва Хожи Шораҳматовларнинг “Буржуазия миллатчиларининг санъат соҳасидаги зиёнчиликлари” номи билан эълон қилган мақолаларида “Тулқун” операси сахнага қўйилган унга либераттонни Фитрат мусиқасини Ашрафий ёзганлиги ҳақида маълумот бериб ўтди.

Фитрат исми ва мероси ман этилган қатағон йилларида баъзи совет олимларининг шахсий ташаббуси ва мардлиги ила назарда четда қолмади. Профессорлар В.М.Беляев, Ф.М.Норматов, Исҳоқ Ражабов, Г.С.Визга Фитратнинг китобидан унумли фойдаланиши ва унинг тарихи аҳамиятини китобхонга етказишади ва тахсил олиш учун барча чора тадбирларни назардан четда қолдирмайди. Ҳозирда эса Отаназар Матёкубов, Александр Жумаевнинг изланишлари катта аҳамиятга эга. Умуман А.Фитратнинг серқирра фаолияти қайси соҳада бўлмасин – ҳоҳ театр, ҳоҳ адабиёт тарихи ҳоҳ қораланаётгана бўлсада фақат мусиқашуносликда қораланмай қолди.

¹ Қаранг: “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси 1993 йил 8 январ 2-сон 5-бет

Шу билан бирга инглиз олими Хенри Жорж Фермернинг шу китобини илмий тадқиқотлари бир неча бор Фитратнинг китобига мурожаат этилган. Фермер бир мақоласида Фитратнинг умр йилларини 1886 – 1938 йиллари деб кўрсатган. Чунки бу охирги санани Фермер В.М. Беллевдан олгани тахмин этилади. Чунки бу икки олим ўзаро хат ёзишар эди. В.Беляев эса хавфли йилларда ҳам ёш олимларга Фитратнинг шу китобини тавсия этган эди. Жумладан, шу сатрлар муаллифига “Агар умуман муסיқавий рисолаларни ўрганмоқчи бўлсангиз, Фитратнинг китобини топиб ўшандан бошланг” – деган эди. Мюнхенда яшаётган ватандошимиз, профессор Темур Хўжа ўғли Фитратнинг адабий ва умумий фаолиятига бағишланган тадқиқотларда уни муסיқашунос сифатида тилга олади. Америка, Германия, Польша, Япония, Тожикистон, Россия XX асрни ўрганаётган муаррихлар Фитратнинг муסיқа меросига қизиқиш билдирмоқда.

“Ўзбек классик муסיқаси ва унинг тарихи” бир неча тилга таржима бўлиб, нашр этилаётгани хақида Темур Хўжа ўғли лутфан юборган мақоласидан маълум бўлди. Аммо Фитратнинг муסיқага оид ҳамма мақолалари ҳозиргача бизга тўлиқ етиб келмаган.

ХУЛОСА

Муқаддас Ватанимиз салкам бир ярим асрдан сўнг ўзининг муборак мустақиллигини қўга киритганига йигирма йил бўлди. Бу давр мобайнида жамиятимиз ҳаётининг барча соҳа ва тармоқларида катта ўзгариш ва янгиланишлар рўй берди. Мухтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг давлатчилик қурилишига оид “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” деган ғояси ҳаётга изчил жорий этилиб қадимдан тараққий этган миллий давлатчилигимиз истиқлол руҳи асосларида мутлақо янги мазмун ва шаклда қайта тикланди. Шунингдек, бошқа соҳаларда ҳам улкан ютуқлар қўлга киритилиб, буюк келажак сари етакловчи имкониятлар очилди.

Айниқса буюк тарихимизни ҳозирги авлодга ҳаққоний намоён этиш соҳасида кўпгина ишлар муваффақиятли ҳал этилмоқда бунга ҳам Ислом Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” – деган методологик илмий-назарий ғояси таянч нуқта бўлиб хизмат қилмоқда.

Битирув малакавий ишимни ёзишда шу нарсага амин бўлдимки, – бундан бир аср олдин Туркистонда юз берган миллий уйғониш, жадинчилик ҳаракати даври тарихини тўла ва ҳаққоний ўрганиш соҳасида илмий тадқиқот ва маърифий ишлар шунингдек, бу даврда чоп этилган асарларни ўрганиш долзарб масала бўлди.

Аввало шуни айтиш керакки, жадинчилик ҳаракати ўша давдаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларини ўз ичига тўла қамраб олган эди. Бугунги кунда қарийиб, барча соҳа олим ва мутахассислари буни тўғри англаш ҳолда, ўзларининг илмий-тадқиқот ишларида сезиларли натижаларга эришдилар. Масалан, жадин адабиёти, санъати, жадин мактаби, педогогикаси, жадин давлатчилиги, маҳаллий бошқаруви, жадин матбуоти, китобати соҳасида қўлга киритилган илмий-иждодий ютуқлар шулар жумласидандир.

Маълумки, XX аср бошларида жаидчилик ҳаракати туфайли Туркистонда жамиятнинг деярли барча соҳаларида уйғониш даври бошланди. Бунинг аломатлари асосан маърифат ва маданият, ижтимоий-сиёсий соҳаларда яққол намоён бўлди. Ватанимиз тарихидаги кўп йиллик ижтимоий ғафлат уйқуси маълум даражада барҳам топиб, диний ва дунёвий билимларга асосланган мутлақо янги маданият, таълим ва тарбия, адабиёт ва театр, матбуот тизими жорий этилди. Бу уйғониш даври узок муддат, яъни олдингисидан IV аср сўнг юз берди. Шунинг учун ҳам у ўта буюк ва муқаддас воқелик бўлди.

Жаидлар маърифатпарварлик, ватанпарварлик, миллат камоли ва озодлиги йўлида жонбозлик кўрсатдилр. Бироқ улар ҳаракатининг мазмун ва моҳияти, мақсад ва вазифаси чор ҳамда совет Россияси мустамлакачилиги даврида мутлақо ғаразли мақсадда тескари талқин қилинди. Ниҳоят, миллий истиқлол даври қарор топгач, жаидчилик ҳаракати Туркистон халқлари тарихидаги энг илғор ва муқаддас мақсадлар мажмуаси сифатида ҳақиқий баҳосини олди.

Жаидчилик ҳаракати – Миллий уйғониш даври бўлганлиги асосан жаидшунослик илмининг ҳозирда марҳум Бегали Қосимов томонидан истиқлолнинг дастлабки йилларида асосланиб, илмий-амалий муомалага киритилди.

Жаидлар мустамлака дврида ғурури топталган миллатда миллий ғурур, миллий онгни уйғотш ва шакллантиршга жон фидо қилдилар. Улар бу йўлда таълим-тарбияни ва миллат тафаккурини ўзгартириб юксалтиришни бош вазифа қилиб олдилар. Улар ҳаракатининг самараси Туркистон таълими тарихида мутлақо янги, яъни диний ва дунёвийлик даврини бошлаб бериши билан алоҳида аҳамият касб этади.

Таклиф ва тавсиялар

— Жадидчиликнинг моҳиятини миллат ва Ватанни англашдан улар манфаати учун курашишгача бўлган қизғин ва ʻҳаёжонли жираёнинг илмий таҳлил қилиб, ўрганмоқ керак.

— Фундаментал асарлар жаҳидчиликка бағишланиб яратилмоғи керак, айти пайтда бу ўрганилган ва яратилган асарлар миллатни ҳам тарбиялаб боради.

— Жадидларимиз миллатнинг яшамоғи тараққий топтоғи учун биринчи навбатда озод мустақил бўлмоғи лозимлигини англаб етдилар. Демак, жадидчилар халқни уйғотишга алоҳида эътибор берди.

— Халқ Пулатхон ва Дукчи Эшон воқеаларидан “Туркистон Мухторияти” мохиятини англаш ва қўллашга бўлган масофани босиб ўтди. Жаҳидларимиз сиёсий ишлар халқ-хуқуқ, миллий давлат, ҳокимият масалалари билан мунтазам шуғулландилар. Демак, мактаб, маориф ислоҳ қилиниши миллий матбуотни йўлга қўйилиши, театрнинг ташкил этилиши, янги адабиётни шаклланиши, бу миллатимизнинг ўзлигини англаши ва мустақиллик мафкураси эди.

— Жаидларнинг улкан арбоблари, адиллари ўз ижодида қарашларида баъзан ғарбга, Оврўпога кескин салибий муносабат билдришларига ратихан ёндошмоқ керак.

— Жаидлар ҳаётига оид бўлган асарларида баъзан тули мақолаларида бир масалага турлича қарашлар хатто турлича баҳолар кўзга ташланиб қолади, шуни инобатга олган холда архив хужжатлари асосида жаидчитлик ҳаракатини янада чуқурроқ тахлил қилиб ўрганмоқ керак.

— Жади́длар ҳаётини ўрганиш борасида Ўзбекистон Марказий Давлат Архиви, Россия Давлат ҳарбий архиви, СССР халқ комиссарлиги бошқармаси Архиви сингари бирламчи манбаларга айрим хорижий ншрлар шунингдек XX асрнинг бошида жади́длар ташкил этган, чоп эттирган газета материаллар тадқиқотчилар томонидан маълум даражада ўрганилди,

бу тадқиқотларни ҳар бир жаидлар ҳаётини ўрганиш учун янада чуқурроқ ўрганмоқ керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. Тошкент. Ўзбекистон. 1994 й.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент: Ўзбекистон. 1997 й.
3. Каримов И. А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. “Туркистон” газетаси мухбирининг саволларига жавоблар – Т.: Ўзбекистон, 1998 й.
4. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент. Шарқ. 1998 й
5. Каримов И. А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. “Тафаккур” журнали муҳаррирининг саволларига жавоблар. – Т.: Ўзбекистон. 1998
6. Каримов И. А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. “Туркистон” пресс ахборот агентлиги саволларига жавоблар. Тошкент. Ўзбекистон. 1999 й.
7. Каримов И. А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. “Фидокор” газетаси мухбири саволлари жавоблар // Fidokor. 2000 йил 8 июн
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 2000 йил 28 – январдаги “Тошкент Давлат Университетига Ўзбекистон Миллий Университети мақомини бериш тўғрисида” ги Фармони // Халқ сўзи. 2000 йил 29 январ
9. Абдурашидхонов М. Хотираларимдан. (Жадидчилик тарихидан лавҳалар). Тошкент. Шарқ. 2001 й
10. Авлоний А. Ўсон миллат. Истиқлол фидойилари серияси. Тошкент: Шарқ. 1993 й.

- 11.Алимова Д. А. Джадидизм ва Средней Азии. Пути обновления, реформк, борьба за независимость. Ташкент. Узбекистан. 2000. 24 с.
- 12.Алимова Д., Рашидова Д. Махмудходжа Бехбудий и его исторические воззрения. Ташкент. Маънавият. 1998. 40 с.
- 13.Аъзамхужаев С. С. Туркистон бирлиги учун. Т: Фан. 1995. 16 б.
- 14.Аъзамхужаев С. С. Туркистон мухторияти. Миллий демократик давлат курилиш таржибаси. Тошкент: МАънавият. 2000 й
- 15.Бендриков К. Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане. (1865-1924 гг) Москва, 1960, 512 – с.
- 16.Бехбудий М. Танланган асарлар. Тузатилган ва тўлдирилган. Т. Маънавият. 1999.
- 17.Вахабов М. Г. Формирование узбекской социалистической нации. Ташкент, 1961, 588 – с.
- 18.Вахидов Х. Г. Просветительская идеология в Туркестане. Т.: Узбекистан, 1979, 155 – с.
- 19.Долимов У. Исҳоқхон Ибрат. Тошкент. Шарк. 1997 114-б.
- 20.Духовской С. М. Всеподданнейший доклад Туркестанского генерал-губернатора от инфантерии Духовского. Ислам ва Туркистане. – Ташкент 1899. – 20 с.
- 21.Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. (Даврий тўплам № 1). Тошкент. Университет. 1999 – 218б.
- 22.Инъомов Р. Ўзбек зиёлилари. Тошкент. Ўздаврнашр. 1926.
- 23.Ислам в татарском мире: история и современность. Материали международного симпозиума. (Казань. 29-апреля – 1 мая 1996 г.) Казань: Институт истории АН Татарстана 1997 – 379 с.
- 24.Исхаков Ф. Национальная политика царизма ва Туркестане (1867 - 1917). Ташкент. Фан. 1997. 204 с.
- 25.Казначанц П. Т. Становление и развитие народного образования в советском Туркестане. Ташкент: Укитувчи. 1982 94 с.

- 26.Кастельская З. Д. Из истории Туркестанского края (11865 - 1917) Москва: Наука. 1980 120 с.
- 27.Кирилина С. А. Ислам в общественной жизни Египта (вторая половина XIX – начало XX вв). – Москва: Наука 1989. – 203 с.
- 28.Климович Л. Ислам в царской России. Очерки. Москва. 1936. 408 с.
- 29.Қосимов Б. Исмолибек Гаспирали. Тошкент. Ғофур Ғулом. 1992. – 48 б.
- 30.Қосимов Б. Маслакдошлар (Беҳбедий, Ажзий, Фитрат). Тошкент. Маънавият. 2002
- 31.Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойлик. Тошкент. Шарқ. 1994.
- 32.Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учну кураш (жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик). Тошкент. Маънавият. 2001.
- 33.Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари (Илмий мақолалар, илмий-танқидий матнлар тўплами). – Тошкент. Университет. 1993.
- 34.Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар тарихидан. Тошкент “Универитет”. 1998 й. 22-27-бетлар.
- 35.Бегали Қосимов Миллий Уйғониш. Тошкент. “Маънавият” 2002.
- 36.Анқабой Қулжанов Фитрат дунёси Гулистон. “Зиё” 2007.

Интернет сайтлари:

- | | |
|---|---|
| 1. www.tarix.uz | 7. www.kango.net.ru |
| 2. www.ref.uz | 8. uwed.uz |
| 3. www.ferghana.ru | 9. fcademy.uz |
| 4. www.uzsci.net | 10. catalog.dodo.uz |
| 5. www.uzreport.uz | 11. gucheb.org |
| 6. www.press-service.uz | 12. ttesi.uz |

МУНДАРИЖА

Кириш.....	2-6
I БОБ. Жадинчилик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий моҳияти.....	7-18
1.3. Жадинчилик ҳаракатининг вужудга келиши ва	
1.4. жадинлар тафаккури.....	7-18
1.5. XIX аср охири XX аср бошларида Бухородаги жадинчилик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий моҳияти.....	19-34
II БОБ. Туркистонда халқ ҳаракатлари ва жадин маърифатчиларининг ғоявий рахнаmolари.....	35-46
2.1. Жадинларнинг 1916 йилги халқ кўзғолонига муносабати.....	35-46
2.2. Жадинларнинг мустамлака совет тузуми давридаги фаолияти ва тақдири.....	47-54
Хулоса.....	53-55
Таклиф ва тавсиялар.....	56
Адабиётлар.....	57-59